Ш-77

ЮСУФ ШОМАН

# Лирик

II-77

ЮСУФ ШОМАНСУР

# ЛИРИКА

БИБЛИОТЕКА
№ 014864
Хоразм ... институти

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЕТ ВА САНЪАТ НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ — 1973



# МУАЛЛИФДАН

Салкам йигирма йилдан буён шеър ёзиб келаётганим ҳурматли китобхонларга маълум. Хайриддин Салоҳ ва Эркин Воҳидовлар билан устоз Ғайратийнинг адабиёт тўгарагида дарс олиб, эллигинчи йилларнинг бошларида илк машқларимни матбуотда эълон қилдим.

Бу мажмуага кўнглимга ёққанроқ шеърларимдан танлаб киритдим. Албатта, эллигинчи йиллардаги сатрларни бугун таҳрир қилиб, пардозлаб юборишим мумкин эди. Бироқ, изланишлар йўлидаги баъзи қийинчиликларни хаспўшлаб кўрсатмай деган андиша билан эски шеърларнинг баъзиларига ортиқча қалам урмадим.

Илгари ёзилган баъзи шеърлар биринчи марта шу китобда эълон қилинмоқда. Бу — бисотдаги назмлардан. Тўпламнинг кўп қисми эса, янги шеърларимдан иборат. Асосан шу шеърларга таяниб туриб шеърхонлар олдидаги навбатдаги синовдан ўтиш ниятидаман.

*Бу китобни шоир — олим — устоз — инсон Мақсуд Шайхзода хотирасига бағишлайман.*

# ҚАЛАМНИНГ БУРЧИ

## ЧОРАК АСР ЁШИМ БОР

Туғилганман асримнинг қирчиллама чоғида,
«Нон» дейишни ўрганмай жанг дейишни ўргандим.
Жангга кетган отамга «енг!»— дейишни ўргандим,
Кичкина жангчи бўлдим Ватаним тупроғида.
Йўқ, йўқ, афсус чекмайман курашга кирмадим деб,
Оловда, алангада бўлмадим ҳам демайман.
Йўқ, йўқ, армон қилмайман фашистни қирмадим деб,
Мардлар билан майдонда ўлмадим ҳам демайман.
Жангга кирган, аммоки, омон қолган бошим бор,
Чорак аср ёшим бор, чорак аср ёшим бор!

Юз йил умр кўрмоқлик насиб бўлмас эҳтимол,
Икки буюк асрга гувоҳ бўлурман аммо.
Қирқ йилдан сўнг учрашар битта гўдак, битта чол,
Бир-бирига телмурар, бир-бирига маҳлиё.
Гўдак янги асру мен бир нуроний мўйсафид,
Чўян куйган қўл билан ипак сочин силайман.
Навқирон коммунизм қудратини кўрсатиб
Икки улуғ асрнинг томирини улайман.
Унга қадар йўлимда қанча бўрон, ящин бор,
Чорак аср ёшим бор, чорак аср ёшим бор!

Сайёралар қўйнида ўстирарман атиргул,
Марс саҳросин эҳтимол мен қиларман узумзор.
Аммоки умрим бўйи Ер деб бошим қотиргум,

Она Ердан қарзим бор, она Ердан қарзим бор.
Ер юзида бир инсон бўлгани-чун қора тан
Оқ кўнглин ёзолмаса, кўрсатмаса оқ тишин,
Догингни кетказай деб Ойга қандоқ бораман,
Лозиммасми Ердаги доғларни йўқотишим!
Шу аср, шу қасрда қанча кураш, ишим бор,
Чорак аср ёшим бор, чорак аср ёшим бор!

Асрим атом асримас, одам, одамлик асри,
Юз бомбанинг қадри йўқ битта қовоқ сомсадай.
Минг ҳарбий базадан зўр битта чақалоқ яслn,
Ёруғ дунё чиройлик қиз юзида ғамзадай.
Жавобгарман асримга, чўпдан то чамангача
Қорачугим ичида қорачуғдай сақлайман.
Коммунизм аталган замину замонгача
Етмагунча курашда, жангда киприк қоқмайман.
Йўлимда гард кўринса чимирилган қошим бор,
Чорак аср ёшим бор, чорак аср ёшим бор!

Эндиги юз йилликда тушга ҳам кирмас кишан,
Фақат жононлар зулфи занжир қилиб эшилар.
Нур ҳаққию нон ҳаққи, қон ҳаққи онт ичаман,
Қулфланмас Ер юзида чегаралар, эшиклар.
Бунинг учун дард билан ёниб қайнашим керак,
Ҳамза, Мусо Жалилнинг бўғзида қолган шеърин
Қитъадан қитъаларга мағрур куйлашим керак,
Жонимдан жаҳонларга тошгунча ғазаб, меҳрим.
Мен асрим куйчисиман, тош эритар товшим бор,
Чорак аср ёшим бор, чорак аср ёшим бор!

*10. 5. 1963*

## ИЛЬИЧГА МУРОЖААТ

Бахтлилар бахтлиси эканмиз ғоят,
Юз йиллигингиз
                    тантанасида
Қатнашдик
            ишчану
                    соғлом-саломат,
Юракларга тўлди олам
                        нашида.
Муслимовдан токи
                    чақалоққача —
Шу кунда
            кимнингки нафаси тирик —
Ҳамманинг қувончи,
                    бахти бошқача:
Қайтарилмас,
            улуғ
                санани
                        кўрдик!
Демак,
        ҳар биттамиз
                    тарихий одам,
Йигирма биринчи —
                    шонли асрга

Мўъжизадай
босиб борамиз
қадам
Кирамиз
саройга,
эсга,
хотирга!
Аммо, Ильич ота,
тантана чоғи
Мақбарадан чиқиб
боқсангиз бирпас,
Самимий табассум этиб
нечоғли,—
Дердингиз:
— етарли,
бас қилингиз,
бас!
Эллик йил илгари[1]
бўлгани каби
Мажлисларни аниқ,
тўхтатардингиз.
Кечиринг,
жаҳоннинг коммунист қалби
Қаршингизда туриб
сўрамоқда сўз:
— Владимир Ильич,
узр,
минг узр,
Минг йилга мингашган
минг йиллар аро.

[1] 1920 йил, 23 апрелда МК РКП(б) В. И. Лениннинг 50 йиллиги шарафига тантанали кеча ўтказган эди. Ленин бир неча бор телефон қилиб тантанани тўхтатишларини сўраган эди.

Одамзод энди бир
қилмоқда ҳузур,
Зероки,
кўрипти Сиздай бир даҳо.
Коммунистча тўйлар
асли камтарин,
Жами
камтарликдан камтар ўзингиз,
Шу сабаб
ташлайсиз бизни қайтариб,
Малол келиб
жиндай
мақтов сўзимиз,
Владимир Ильич,
узр,
минг узр,
Мундоқ қараганда не ҳам
қилибмиз?
Номингизга атаб
тиклабмиз қаср,
Қурсак
майдонларда ҳайкал қурибмиз.
Ёзсак,
ёзибмиз-да,
достону ғазал,
Кино лентасида жамолингиз
бор,
Аммо,
қўлингизда азрўйи-азал
Ўзгаргани сирин
ким
тасвир
этар?
Санъату меъморлик...
Одамзод нутқи

Бундай бунёдкорлик
                                        олдида
                                                ожиз!
Минглаб Маяковский
                                        чиқса-ю
                                                машқи
Камолатга
                        етиб,
                                топса
                                        зора
                                                сўз...
Шундай, Ильич ота,
                                        буюклигингиз,
Ҳаяжоннинг қули —
                                        шоир зотини
Илтимос,
                        айбга буюрмасангиз,
Синаб кўрсин
                                ҳар ким
                                        маҳоратини.

*18. 11. 1970*

# НАМАНГАН

Қизнинг қулоғида қўша гилосдай
Наманган, Фарғона сулувдан сулув.
Уфқлар ҳилпираб турган атласдай,
Нотасиз ашула айтмас бунда сув.
Мен севган гўзалнинг сочин оралаб —
Оралаб эсдими дейман шаббода.
Юзларимни силаб, қалбим поралаб
Ўтди у, ўртаниб қолдим мен боғда.
Наманган деганда кўзим намланган,
Шайдолик боиси ўзинг, Наманган.

Асрий чинорлару тонгги атргул,
Навоий боғида ниҳол қомати
Гўзалдир, яшарар ҳар қандай кўнгил,
Бошинг узра баргдан қўшиқ томади.
Одамларинг эса ғоят хуш калом,
Жонин ҳам бергудай чойга эритиб.
Сендайин мулойим бўлсайди олам,
Яшардик ажинни юздан аритиб.
Келсам айрилгим йўқ сендай чамандан,
Дунёда биттасан жоним, Наманган.

Соддалигинг шунча этилмиш таъриф
Қатиқ билан лайлак афсонасида.
Ҳалигача шоир Ҳусниддин Шариф

Қизарар бет-тўртта дўст орасида.
Йўқ, йўқ, кечирсинлар, айбмас соддалик,
Тўғрилик, ҳалоллик бошидир асли.
Тошкентнинг сен билан қуда-андалик
Қилишин боиси шундан эмасми?
Хавотир олмагил, яхши-ёмондан
Ўзим қўриқлайман сени Наманган.

*5. 1. 1967*

Янгроқлигинг,
гўзаллигинг,
бойлигинг
мақтовимга муҳтож эмас заррача.
Она тилим,
шоирингни койигин,
гоҳ ғажидим сўзларингни аррадай.
Етдимми ҳеч
*теранлигинг қадрига?..*
Деразамга
бир жуфт темир қоқаман,
номи унинг «ошиқ-мошиқ!»
Ҳа, нега?
Қўлда болға
хаёл ичра оқаман.
«Ошиқ-мошиқ!»
Оддийгина сўз билан
*совуқ темир тирилибди инсондай.*
У занг қилиб
бўрон билан,
муз билан
*деразамни ушлаб турар посбондай.*
Бало-офат ўтар нари-наридан,
яқинлаша олмас «ошиқ-мошиққа».
Ошиқларнинг жони ахир

**темирдан,**
**шу-чун ажал йўқдир ишқка,**
**қўшиққа.**
**Ишонмоқдан жозибангнинг кучига**
**қайтмагайман ҳатто ўтда ёқилсам.**
**Она тилим!**
**Деразангнинг синчига**
***қошки***
**«Ошиқ-мошиқ» бўлиб қоқилсам.**
**Ошиқларнинг жони ахир**
**темирдан.**

*14. 1. 1967*

Янгроқлигинг,
гўзаллигинг,
бойлигинг
мақтовимга муҳтож эмас заррача.
Она тилим,
шоирингни койигин,
гоҳ ғажидим сўзларингни аррадай.
Етдимми ҳеч
теранлигинг қадрига?..
Деразамга
бир жуфт темир қоқаман,
номи унинг «ошиқ-мошиқ!»
Ҳа, нега?
Қўлда болға
хаёл ичра оқаман.
«Ошиқ-мошиқ!»
Оддийгина сўз билан
совуқ темир тирилибди инсондай.
У жанг қилиб
бўрон билан,
муз билан
деразамни ушлаб турар посбондай.
Бало-офат ўтар нари-наридан,
яқинлаша олмас «ошиқ-мошиққа».
Ошиқларнинг жони ахир

**темирдан,**
**шу-чун ажал йўқдир ишққа,**
**қўшиққа.**
**Ишонмоқдан жозибангнинг кучига**
**қайтмагайман ҳатто ўтда ёқилсам.**
**Она тилим!**
**Деразангнинг синчига**
**қошки**
**«Ошиқ-мошиқ» бўлиб қоқилсам.**
**Ошиқларнинг жони ахир**
**темирдан.**

*14. 1. 1967*

# КОШКИЙДИ

Дунёдан бехабар
Гўдак эдим у маҳал,
Навоий, Пушкинни
Келтирмасдим хаёлга.
Хотинлар йиғилиб ўқишарди шеър, ғазал,
Анграйиб боқардим
Мен шоира аёлга.
Шундай давраларда
Шеър тўқиган бир жувон
Ўла-ўлгунимча турар кўзим ўнгида.
Эридан қора хат
Олган куни у нолон
Ғазал ўқиганди ёшин артиб енгида.
Дерди: «Сасиб битди шифтга осган қовуним.
Қайда, Абдуллажон,
Энди келиб емасми?»
Тингладим
Мурғак қалб ғам ўтида қоврилиб,
Мени шоир қилган
Шу содда шеър эмасми?
Шу афтода шеърни
Тингламасам агарда
Пушкинни ўқиб ҳам
Бўлардим оддий шеърхон.
Шоир бўлмаганим

Маъқул эди минг карра,
Агар бўзламаса
Жуфтсиз қолиб бу жувон.
Кошки
Абдуллажон ўлмаган бўлса,
Кошкийди ёрининг таралмаса боласи.
Кошкийди
Дунёда битта шоир кам бўлса
Аммо кам бўлмаса битта инсон боласи.

*9. 8. 1965*

# МАҚОЛ ҲАҚИДА

Китобда ё гапда ногиҳон
Учраб қолса ҳикматли мақол,
Кўз ўнгимда бўлур намоён
Мингга кирган донишманд бир чол.
Шу бобога набираман мен,
Изларидан дур тераман мен.

*19. 3. 1961*

## МАЙСА

Яшил майса униб чиқди гулзордан,
Қуёш нурларига яйраб чўмилди.
«Айтинг,
Қанча қолди баҳорга?»—
Деб йўловчига тўниб термилди.
    Оз қолди,
Оз қолди,— дерди ўткинчи,
Гарчи узоқ эди жилвагар кўклам.
Қишнинг ярмисида сўнмай илинжи
Майса гуркиради баҳорни йўқлаб.
Шу орада бирдан айниди ҳаво,
Майса сўрар:
    Қанча қолди баҳорга?
Ҳамон:— Оз қолди,— деб беришар жавоб,
Гарчи кўмилмоқда майдонлар қорга.
Майсанинг бўғзидан тутди совуқ қор,
Аммоки умиди сўнмади шунда;
Жимит юрагида баҳор ишқи бор,
Илдизчаси ердан ҳарорат шимди.
«Баҳорга оз қолди!»
Шивирлади у,
Йўқотмади асло яшиллигини.
Тан бериб охир қор
Эриб кетди-ю,
Тасдиқлади баҳор яқинлигини.

*23, 4. 1964*



БИБЛИОТЕКА
Инв. № ______
Хорезм. Гос. пед. институт

Маъқул эди минг карра,
Агар бўзламаса
Жуфтсиз қолиб бу жувон.
Кошки
Абдуллажон ўлмаган бўлса,
Кошкийди ёрнинг тарамаса иоласи.
Кошкийди
Дунёда битта шоир кам бўлса
Аммо кам бўлмаса битта инсон боласи.

*9. 8. 1965*

# КОШКИЙДИ

Дунёдан бехабар
Гўдак эдим у маҳал,
Навоий, Пушкинни
Келтирмасдим хаёлга.
Хотинлар йиғилиб ўқишарди шеър, ғазал,
Анграйиб боқардим
Мен шоира аёлга.
Шундай давраларда
Шеър тўқиган бир жувон
Ула-ўлгунимча турар кўзим ўнгида.
Эридан қора хат
Олган куни у нолон
Ғазал ўқиганди ёшин артиб енгида.
Дерди: «Сасиб битди шифтга осган қовуним.
Қайда, Абдуллажон,
Энди келиб емасми?»
Тингладим
Мурғак қалб ғам ўтида ковриліб,
Мени шоир қилган
Шу содда шеър эмасми?
Шу афтода шеърни
Тингламасам агарда
Пушкинни ўқиб ҳам
Бўлардим оддий шеърхон.
Шоир бўлмаганим

# ЭКСКАВАТОР ТАЪРИФИ

*(Экскаваторчи дейди)*

Айланайин панжаларингдан,
Ҳайқиришинг менга алладай.
Чўл чаманин гунчаларидан
Сенга атаб, мардим, саралай.

Сени қўпол деган қўполнинг
Оқармасин майли, косаси.
Қўпол ерни ўзинг қўпординг,
Наъранг янги гулшан садоси.

Сен ҳам megдек полвон йигитсан.
Уриб турар пўлат юрагинг.
Қандай гўзал, салобат билан
Арслон каби гурс-гурс юрганинг.

Мендек қора терга ботасан,
Қувват берар меҳнат сафоси.
Керак бўлса тоғни босасан,
Титрар сендан чўли, саҳроси.

Кечалари чироғинг ёниқ,
Кўринасан паровоз каби;
Чополмайсан сен поезд янглиғ,
Ҳафа бўлма, бўлма асабий.

## ТУЗ ҲАҚИДА

Кашфиётлар кўпдир ёруғ дунёда,
Электрни
Бунёд этганда инсон,
Юлдузлар шарманда бўлди самода.
Қуёшни яратмоқ
Туюлди осон.
Ракеталар кўкда ёйганда қанот
Самолётлар қолди
Жўн бир ижоддай.
Лекин
Бир кашфиёт
Абадул-абад
Эскирмайди сира нурдай,
Ҳаётдай:
Қачондир,
Кимнингдир донишманд боши
Туз ихтиро этган
Қўрқмай, чўчимай.
Меъёридан ортса
Шўр бўлар ошинг,
Агар
Камроқ бўлса
Ҳаётинг чучмал...

*1966*

Сен залворли қадаминг билан
Поездларни қолдирдинг йўлда.
Мақтан, очган чаманинг билан,
Миниб мен ҳам мақтанай рулда.

Сенсан машиналар наслининг
Оғир карвон, ботир ўғлони.
Панжангдадир ҳали асрининг
Яралажак қанча боғлари.

*1963*

# САМИҒ АМАКИМ

Қулоққача етган қора мўйловин бураб
От ҳақида сўз бошласа Самиғ амаким,
Баҳри-дили очилади қувониб, яйраб,
У гапнинг ҳам донин терар, пуфлар курмагин.
Олтмиш ёшин тенг иккига бўлиб ташлайди
Тўриқ отга йигитлардай сакраб минганда.
От жонвор ҳам ўйноқлайди, кишнайди
Асфальт кўча бўйлаб тарақ-туруқ елганда.
Машиналар, ракеталар даврида маҳкам
Узангига оёқ тираб олган Самиғ амаким.
От — овунчи, отдир унинг жонига малҳам,
Ёқтирмайди бу дунёнинг бошқа нағмасин.
Қора чопон кийиб олар, кўкси очиқ, яланг тўш,
Қиз сочини тарагандай тарар от ёлин.
Улоқ чопса етолмайди ҳеч учағон қуш,
Ўзи қувар ўзин тутқич бермас хаёлин.
Хаёлида — қамчисидан сачраган учқун
Осмондаги юлдузда ҳам олур алангa.
Чақалоқнинг қулоғига азон айтар у:
«Чавандоз бўл, ўхшама, қўй, ота-онангга!»
Иссиқ жон-да, тўриқ оти тайсаллаб қолса,
Кўк бедани емай қолса, ичмай қолса сув,
Амакимга ёруғ жаҳон татимас асло,
Мўйлови ҳам шалпаяди, ранги ўчар қув.
Жангдан қолган жароҳати билинар шунда,

Шунда танбеҳ эшитади ўғли Соливой...
От тузалиб ва гижинглаб таъзим қилганда
Мен қоламан амакимни тағин танимай.
Яна қайта йигитлардай яшаради у,
Дарвозадан учиб чиқар отда энгашиб.
Яхшиямки, олмаганим унга мингашиб,
Бунақада бошим учиб кетар эди-ку!
Шоир одам, бошда ахир минг хаёл, минг ўй,
Бошнинг ўзин сақлаб қолиш келмайди ўйга.
Эй, амаким, шаънингизга ёздим қўшиқ, куй,
Сизники — от, меники — шеър, қилайлик пойга.

*1968*

## ШОШИЛАМИЗ...

Бу қайноқ ҳаётда ҳунаримиз кўп,
Иморатлар тиклаб
Қурамиз тўгон,
Маъданларни қазиб оламиз тоғдан,
Ялангоч даштларга кийдирамиз сеп.
Биз — қари-қартанглар,
Чопқир ёшлармиз,
Қайгадир шошиламиз.
Шошиламиз лифтда,
Самолётда ҳам.
Қизиқ,
Шошиламиз тунлар уйқуда.
Ҳатто дангасалар шошилар жуда
Ялқовлик меъёри
Бўлмасин деб кам.
Гоҳ шошмай
Шафтоли пўстин шиламиз,
Йўқ,
Бу вақтда ҳам руҳан шошиламиз.
Шошиламиз
Шафтоли данаги токи
Шовиллаган мева дарахт бўлсин деб.
Одам
Ўтирса-да жимжит,
Тош қотиб,

Шошар унинг дили,
Тирик идроки.
Тугамайди бизнинг
Бу ашуламиз,
Шошиламиз ,
Ҳа,
Шошиламиз.
Ҳаракатдан қолмай қабрда ҳатто,
Бу моддий оламга бўлай деб гувоҳ
Шошамиз,
Усамиз бўлиб бир гиёҳ
Ва такрор яшаймиз шошқин ҳаётда...
Хуллас,
Қай ҳолатда,
Қай шаклдамиз,
Барибир шошамиз,
Шошиламиз...

*1967*

# КАЛЕНДАРЬ ВАРАҒИ

Календарь варағин ҳар кун йиртамиз,
Ўтади якшанба, шанба, жумалар.
Эшик қоқиб келар ҳар кеч эртамиз,
Кунлар бульдозердай вазмин юмалар.

Биров металл қуяр терлаб мартенда.
Биров жужуқларга ясар снёҳдон.
Биров тоғлар ошиб, ҳар кеч, ҳар тонгда
Дори кашф этади ўтдан, гиёҳдан.

Оқ халатли биров ақли, бармоғи
Мингинчи беморин сақлар қазодан.
Кеча ёнгинангда турган ўртоғинг
Бугун салом йўллар сенга фазодан.

Мотор гумбири-ю, дутор садоси,
Шаҳарлар, шағаллар, шовваллар шашти —
Ҳаммаси омихта, гилос шодаси,
Тўғон тошқини-ю, бинолар ғишти.

Кунлар... Ҳосили мўл дарахтга ўхшар,
Савлатига жаҳон қилади танглик.
Календарь вараги узилиб тушар
Шу дарахтнинг вазмин меваси янглиғ.

*1963*

## ЎЗБЕК ҚОМУСИ

Узилган бир киприк абад йўқолмас,
Шунчалар мустаҳкам хонаи хуршид.

*Ғ. Ғулом.*

Бобом, ақлингни таниб сополда сув ичганда
Билганмидинг, тарихда қолмоғингни барҳаёт?
Ғадир йўл билан илк бор ерга уруғ сочганда
Сезганмидинг жойидан силжиганин коинот?
Балли, аниқ билгансан, айланиб турар дунё,
Тўрт чўпни қоқиштириб ясаганинг чархпалак
Замин ҳаракатининг рамзи бўлди, тасанно!
Замонлар гирдобини ёриб парракма-паррак —
Тафаккуринг бўлолди олам фахри — номуси,
Бунинг оддий исботи — мана ўзбек Қомуси.

Олди-қочди саргузашт дабдабаси йўқ бунда,
Қон аралаш сув бору сув аралаш қон йўқдир.
Нонниng номи нон бунда, ўқнинг номи ўқ бунда,
Минорадай мужассам минг йиллик ҳалол тақдир.
Мингга кирган мавлоно Берунийнинг дастхати
Жон ичида виждондай саҳифада намоён.
Халқимнинг жасорати, халқимнинг камолоти
Қилич тиғи бўлганмас, бўлган қиличга қалқон.
Утда, сувда, жангларда минг йил кийган жомаси
Ҳали ҳам бутун турар,— гувоҳ ўзбек Қомуси!
Чўян дарвозалардай саҳифалар зил — оғир,
Бир тавақа маърифат, бир тавақа жаҳолат.
Шаҳид Улуғбегимнинг ҳали ҳам жони оғрир,

Қони сачраган Қомус варағида жароҳат.
Аммо, кўкка беш панжа оёқ изин тушириб
Ўлик малика — ойни тиргизаркан одамзод,
Мақтанмайми — мен — ўзбек кўкрагимга мушт уриб,
Улуғбек-ку илк марта ўргатган бундоқ савод!
Тарих — она! Онадан ким ҳам тона олгуси,
Тонганларни қуръонмас, урсин ўзбек Қомуси!

Асрлар қобиғини пиёз пўстидай ёриб
Навоий ҳазратлари, ажаб эмас шу наҳор,
Тортган уқубатлари бир лаҳза дилдан ариб,—
Қоқсалар елкамизга шахсан мамнун, миннатдор.
Сизга қуллуқ, эй устоз, қил устида турган чоғ
Қодиру аммо забун она тилнинг қисмати,—
Кўтардингиз бўлиб тоғ, кўтардингиз бўлиб тоғ!
Мана шу туркий Қомус, ўша жанг оқибати!
Тан олди ҳатто ўжар алифбонинг қонуни:
Алишердан бошланди мана ўзбек Қомуси!

Мураббо пиёлага уймалашган қумурсқа —
Эмас-ку ер шарида минг миллатли одамзод:
Ҳар кимнинг ўз одати тўйда, ўлик кўмишда,
Одамни одам қилган шу башарий эътиқод.
Башарий муаммолар, урфи-одат, анъана
Қомусимда ёзиғлиқ варақма-варақ, токи —
Бўлиб қолмагай ўзбек ўзича бир тарона,
Ки миллат жаҳонаки, йўқ, йўқ эмас хонаки,
Жами халқлар даҳосин битта тақдирномаси
Жумладан, қўлимдаги қутлуғ ўзбек Қомуси!

Дарвоқе, миллат дедим, Ленин снёс
Халқлар дўстлигичалик ҳайкал б

Одам шундоқ кирдики одамнинг қаватига,
Шу ерда чақди тарих Инсоннинг чин маъносин.
Шу нуқтада олтинлар, «олий зотлар қиммати»
Оқсуягу кўк суяк — ҳаммаси қолди бекор!
Ўн беш республиканинг алвон-алвон миллати
Ягона шу Ватанни этди яхлит чаманзор.
Халқим асрма-аср шундоқ яшнаб боргуси,
Бунинг битта исботи — мана — ўзбек Қомуси!

*1972*

# НЕФТЬ ВА ЛОЛА

*(туркумдан)*

Одам шундоқ кирдики одамнинг қаватига,
Шу ерда чақди тарих Инсоннинг чин маъносин.
Шу нуқтада олтинлар, «олий зотлар қиммати»
Оқсуягу кўк суяк — ҳаммаси қолди бекор!
Ўн беш республиканинг алвон-алвон миллати
Ягона шу Ватанни этди яхлит чаманзор.
Халқим аерма-аер шундоқ яшнаб боргуси,
Бунинг битта исботи — мана — ўзбек Қомуси!

*1972*

# НЕФТЬ ВА ЛОЛА

*(туркумдан)*

# МУҚАДДИМА

Қора шимда,
Қора костюмда
Узоқларда турар аллаким.
Бахмал жарлик ётар остимда,
Бошим узра булут палаги.
Бархапларга тўш урар шамол,
Гирдоб бўлиб айланади қум.
Эртакдаги дев жанги мисол
Бошланади қиёмат-қойим.
Қора костюм
Ва қора шимда
Ҳамон магрур боқар аллаким.
Йироқдамас, энди қаршимда,
Дедим:
— Ассалому алайкум!
Шоирона хаёл қўйнида
Устозимни этдим тасаввур.
Бўйи Маяковский бўйидай
Нефть вишкаси турарди магрур.
Шу вишка бор — нефть булоги
Отилади шаффоф ва қайноқ.
Юрагимда шеърим ирмоги
Олов нефтдек қалқиб кетган чоқ —
Вишка қомат устоз қаршимда...
Қора костюм

Ва қора шимда.
Савлат тўкиб турар сукутда:
«Аҳа,
шеър деб
ёндингми ўтда?»
Деган янглиғ ташларкан нигоҳ.
Ғўлдирадим содда солдатдай:
«Шеър деб, устоз... шеър деб албатта...
Қалам йўниб юрибман гоҳ-гоҳ...
Дўстлар уравергин жавлон, дер,
Лақабимни жингир полвон дер,
Ёқтирмайди лекин баъзилар,
Шеърим кўрмай туриб безиллар...
Тушкунликка тушмай, қайғирмай,
Меҳнат билан берай деб жавоб
Шеър ёзаман синмай, қайрилмай,
Бўлгунимча токи жингиртоб!»

## НЕФТЬ ВА ЛОЛА

Қизга лола тутмоқ эмас янгилик,
Лолани мақташ ҳам шеърда кўп сийқа,
Ҳатто ўз номидан бўлар тонгудек
Такрорлапса ҳадеб шеъру мусиқа.
Аммо,
Нефть конида кўриб лолани,
Ёзилманти дедим чинакам мақтов.
Битта лола гулгун этар оламни,
Офтоб-офтоб эмас, шу эди офтоб.
Фақат гўзалликка тимсол эмас у,
Тупроққа айланган авлод-аждоддан
Элчи бўлиб келмиш қонли ва сулув
Омон ўтиб асрий зулм-аждардан.
Лола тўшидаги нефтдай қора ранг

Боболарнинг жигар қони эҳтимол.
Кўзингни тиндириб чақнар, қарасанг,
Нефть дарёсидан бир томчи мисол.
Лола тебранганда ўйга толаман,
Тинглаб аждодларнинг юрак зарбини.
Менга қолса, ясар эдим лоладан
Заҳматкаш нефтчининг шонли гербини!

* *
*

Ёш бир кончи
Хаёл босиб ўтирар ёлғиз,
Тиззасида ётар янги келган газета:
«Фалон юртнинг нефть денгизин
Фалон ялмоғиз
Фалон вақтдан буён нишаб қилган ўзига...»
Кончи учун бу гап эмас унча янгилик.
Мустамлака корчалонин билар гўдак ҳам,
Бироқ ҳозир
Оташ бўлиб дили ёнгудек,
Кўз ўнгида пайдо
шўрлик нефтчи дам-бадам.
Кўзлари
Нефть кавланган қудуқдай чуқур,
Нефть қазимай,
Гўр қазиса эди осонроқ.
*Қон сўргандай сўриб ётар аждаҳо* — нефтхўр
Бир келгинди,
*Бўйни йўғон, қошлари бароқ.*
Нефтчи тинглар,
Ер инграйди дармони кетиб,
Ҳар томчи нефть оздиради ерни ҳушидан.
«Болажоним,

Не қиляпсан, бағримни титиб?»—
Дер она ер
Кечалари қақшаб тушида.
«Болажоним,
Эҳтиёт қил қалбим қўрини,
Келгиндилар ўт қўймасин тағин дунёга».
Нефтчи чўчиб уйғонару она ерини
Қучоқлар у.
Қулоқ берар ердан чиққан садога
Ва мушт тугар: «Токай, токай!...»
Хаёл отида
Ўз юртига
Қайтар яна кончи Мирқодир,
Тиззасидан газетаси тушди сирғалиб:
— Салом, Юртим! Салом, лола тўшли
қир-адир,
Кетиб қолай дебман
Хаёл билан сурғалиб...

## КОНЧИ ВА КОСМОНАВТ

Қаро терга ботар ҳатто вишкалар
Ернинг киндигига етгунча парма.
Тарқалади
Конлар бўйлаб хушхабар:
— Яна кўкда одам!
— Касбдошим, ҳорма!
Кончи ва космонавт!
Касбдош, эгизак,
Янги олам очмоқ иккисин ўйи.
Фазогирга осмон мовий денгиздак,
Кончига ер остн бир қалам бўйи.

Юлдуздан юлдузга чарх урмаса ҳам
Кончиларни демоқ мумкин фазогир.
Космонавтлар маъдан қидирмаса ҳам
Кончи онлага аъзо, аъзодир!
Кончининг
Хазина, маъданлар билан
Фазогирга қилган хизмати озмас.
У ҳам
Космонавтча қадамлар билан
Чуқур ер қаъридан очмоқда космос!

* *
*

Шовиллайди оппоқ пахта даласи,
Ерим хазинаси чиқмиш юзага.
Остида оқади нефть дарёси,
Қора марваридлар ўйнаб сузади.
Томир-томир бўлиб кетган қувурлар,
Ушласанг кончининг қўлидай илиқ.
— Ҳорма, оқ олтин!— деб нефть шивирлар,
— Бор бўл, қора олтин!— дер пахта кулиб.
Шу ном маъқул келиб иккала олтин
Бир-бирин қутлайди саломдан олдин.
Аммо бу ном тўғри эмас у қадар,
Эъзозлаб бўлармн оддий тилла деб?
Иккиси ўлкамнинг кўзида гавҳар:
Кўз оқи пахта-ю, кўз қораси нефть!

# МЕҲР

Ҳовлига тўшалган қора бахмалдай
Жимирлаб ётади ҳовуз тўла нефть.
Унга тошми, кесак иргитсанг ҳай-ҳай,
Сачрар йўлбарс мисол бўлиб ола нефть.
Нега шунча бойлик ётибди ерда,
Нега сўриб олмас ютоқи насос?
Билсамки муаммо
Оддий меҳрда,
Сув билан нефть меҳри сабаб ва асос.
Чуқур ер тагидан,
Қатлам-қатламдан
Қўл ушлашиб чиқмиш икки хазина.
Оқ-қора ипакдай ўтиб қатимдан
Омон етиб келмиш тупроқ юзига.
Энди
Ажралишмоқ қийин албатта,
Гарчи айри тушмоқ қисмати аниқ.
Ким ҳам уза олар
Меҳр ипин шартта?
Охир
Қуёш чиқди сачратиб ялиқ.
Муздан муз кесади,
Меҳрни меҳр,
Олтмиш даражали ҳарорат тегиб
Сув бир ёнга оқар жилдир ва жилдир,
Нефть
Насос домига тушар бош эгиб.
Ҳарорати келиб авжи жунбушга
Қуёш меҳр билан тўкарди зиё:
Икки фарзандини икки юмушга
Буюрган онага ўхшарди гўё.

## ЗАМБАРАК

Меҳнат терларининг оқиб селида
Охир муродига етди пармакаш.
Не-не тихирликлар қилди йўлида
Олмосдан ҳам ўткир не-не қирра тош.
Не-не пармаларнинг тўкилди тиши
Пишган бошоқдаги гужғон тариқдай.
Ҳар зум қаҳрамонлик кончининг иши,
Шоир зоти
Ожиз қолур таърифда.
Хуллас,
Битди янги, соғин бир қудуқ,
Пармакаш дўпписини отар осмонга.
Ер қаърига қараб
Узмоқ учун ўқ
Гулдираб замбарак келмоқда конга.
Одамлар йиғилар байрамдагидай.
Липпасида ёнғоқ,
Чопар болалар,
Уч минг метр сокин тупроқ тагига
Кўчади ердаги шу ғулғулалар.
Ҳуркиган туядай ўркач барханлар
Силкиниб тушади отилганда ўқ.
Уқ товушини
Босиб кетди суронлар,
Қизлар қийқириғи жаранглагач шўх.
Баланд отилди-ю нефть чашмаси
Келиндай бош эгди нозли таъзимга.
Замбаракнинг
Иши битди чамаси,
Гулдираб-гулдираб қайтди изига.
Бу ерда замбарак
Бигиздай қурол,

Товуши эзгуликдан келтирар дарак.
Не бўлар,
Урушга келса-ю қироп,
Фақат нефть жангида қолса замбарак?

* *
*

Тунда
Кекса копчи ўтди оламдан,
Мотам либосига ўралди борлиқ.
Кампир
Соч юлмади қайғу-аламдан,
Юзлари оқарди январги қордек.
Невара лар
Уксиб-ўксиб йиғлади,
Йиғлади ғамдийда келин-кеватлар,
Нефтчиларнинг
Қолди олмос тиғлари,
Тўхтади қўлдаги занжир соатлар.
Ота ҳузурида
Турдилар сокин,
Ҳар бири
Устозга тирик ҳайкалдай;
Тонгда
Тобутини кўтаргач секин
Юракларда бирдан йиғи чайқалди.
Чайқалди-ю...
Бироқ чиқмади ташга.
Мажол келмадими ёки йиғлашга?
Аста чўзилди-ю қабр ичра чол
Тупроққа бошини қўйди бемалол.

# ХАТ ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Фарғоналик уста хат олди
Бугун Ленин хонадонидан.
Мўйлабини бураб шодланди,
Ерилгудай ҳаяжонидан.
Ёзмиш Ленин синглиси шундай:
«Сизга Ильич номидан раҳмат.
Нақшин стол — кўрса кўргундай,
Бу совғангиз ажиб бир санъат.
Ҳозир бетоб, тузалгач,
тезда
Хат ёзади Ильичнинг ўзи».
Оромини йўқотди уста,
Шимол сари қадалди кўзи.
Аммо, афсус
Лениндан мактуб
Ололмади бу муштоқ одам.
Оҳ, орадан икки кун ўтиб
Ильич кўзин юмди дунёдан.
Титраб кетди қалби устанинг,
Томир-томирлари бўшашди.
Аммо
Бедор кутди эртани,
Эрта билан почтага шошди.
— Мактуб борми?
«Йўқ» деган жавоб

Чиқармади умидин пучга.
Ўз-ўзига уқтирди бир гап:
«Ўлим-етим ётдир Ильичга,
Келиб қолар ҳадемай хати»...
Шундай қилиб уста кўп йиллар
Почтальоннинг йўлин пойлади,
Обод бўлди
Бўзрайган чўллар
Ва *шаҳарлар тиклаб қаддини*
Кундан-кунга қулоч ёйди.
Коммунизмнинг бир авлодини
Етказади Ватан вояга.
Уста яшил канал ёқалаб
Сайр этади ҳар субҳи саҳар
Ва Ильични ўзича йўқлаб
*Яна шимол тарафга боқар;*
Боққан сари яйрайди кўзи,
Шовиллайди боғлар шамолда,
— Ильич,— дейди.—
Мактубинг, сўзинг —
Қоғоздамас,
экан
*амалда!*

## СУВ САНЪАТИ

Сўз санъати, куй санъати, рақс санъати бор,
Сувдан санъат яралганин эслайсизми ҳеч?
Петргофда сувдан бунёд бўлмиш чаманзор,
Сувдан — лола, сувдан — япроқ,
сувдан — оқ баҳор,
Сув фазога талпинади мисоли севинч.

Сув қайғудай милтирайди баргда — киприкда.
Сув қуёшнинг гардишидай сачратар зиё.

Афсоналар қатор турган каби кўрикда,
Ун фаришта зулф уради битта кўприкда.
Сув — ёруғлик! — демиш зотан, шарқлик авлиё.

Ўсмир Пушкин сочларининг жингаласидай
Ўйноқлаган фаввораддан узолмайман кўз.
Россиянинг очиқ кўнгил қиз боласидай,
Муҳаббатнинг энг биринчи гулғуласидай
Шўх бир шамол уриб ўтар юзларимга юз.

Одимлайман, вужудимда шукуҳ, фароғат.
Товус парин миниб олсам кўтаргудай руҳ.
Ҳузурига тортди мени мовий бир дарахт,
Шохларига мерайганча боқдим бир муддат,
Бирдан... Ёмғир савалади, дейёлмадим: «уҳ...»

Айтдиларки, Петр I нинг ҳазилидир бу,
Оёғингни босолмасанг ҳушёр ва огоҳ,
Кўзларини кўп асрлар оша қисиб қув,
Анқовларни мана шундай туширади чув, —
Ёвузликка қарши ёвуз курашган подшоҳ.

## ЯСНАЯ ПОЛЯНА

Оқ қарағай оёқ учида туриб
Узоқ-узоқларга қаради ҳамон.
Арғувон ҳидини димоққа уриб
Барглар аро шамол кўтарар сурон.

Қамчи дастаси-ла кўзин ишқалаб
Уриндиққа чўкиб ўтирар ямщик.

Ғилдираклар нечун айланар, ё раб,
Нечун зилол сувлар куйлайди қўшиқ.

Нечун тонг юлдузин қопламас булут,
Нечун шудринг ичра жилмаяр лола?
Толстой кетмоқда ғазабга тўлиб,
Кўзига кўринар на ўрмон, дала.

Толстой кетмоқда ҳеч қайтмас бўлиб,
Россиядек бағри кенг бу оқсоқол
Извошда ўтирар қовоғин солиб;
Замонми гуноҳкор? Ҳаётми, аёл?

Ясная Поляна орқада қолар,
Ясенка дарёси мудрар гўдакдай.
Сўқмоқлар олисда аста тўлғанар,
Ернинг кўкси дук-дук урар юракдай.

Саҳифаси очиқ қолган романдай
Ясная Поляна... кўкарар ҳамон.
Толстой даҳоси яшил ўрмондай
Одамзод қалбини этар навқирон.

Содда деҳқон қизи каби қарағай,
Тирик қайтармикан дея оқсоқол
Қарағай, қарағай, йўлга қарағай...
Салкам олтмиш йилки бошда оқ рўмол.

## ЭЛЧИХОНА ЁНИДА

Чорраҳадан визиллаб ўтар
Қўнғиз мўйлов қора машина.
Гоҳ вужудим шув этиб кетар,

Гоҳ лол қолиб бошим қашийман.
«Волга»мизга ўрганган кўзим,
«Москвич» ҳам таниқли жонивор.
«Запорожец» босса тормозни,
«Темир читтак!»— деймаи беозор,
Аммо қайдан келди бу «қўнғиз?»
Бир шўнғиру сўнг бўлар ғойиб.
Лавҳага мен югуртаман кўз:
«Элчихона, фалон юрт — жойи».
Ичкарида қувлашиб юрар
Гуналабош уч-тўртта бола.
Бегона бир байроқ ҳилпирар,
Эшитилар бегона алла.
Бошим узра кун сочган зиё
Бегонадай девор ортида.
Нафас олиб турганим ҳаво
Бегонадай девор ортида.
Ҳарорати таним илитган,
Қадам босиб турганим тупроқ,
Жоним билан қоришиб кетган,—
Шу зарра хок, шу мунис кучоқ,—
Бегонадай хиёл нарида,
Қолган каби ажал қаърида...
Вужудимда аллақандай ғаш,
Аллақандай нафрат чиқирар.
Қалбим бўлиб бир сиқим оташ,
Суякларим ёниб зирқирар.
Аммо бекор бундай эҳтирос,
Ҳаёт, жаҳон этар эътироз:
Элчихона, элчилик ҳаққи
Одамзодда қадимий удум.
Узга юртда парча тупроқни
Эгаллашур бе жанг, бе ҳужум.
Муросаи-мадора экан,
Чидагил эй, юрагим, чида.

Вьетнамда қора қон тўккан
Бир ёвуз ҳам ахир, элчи-да!..
Чақалоқни эзган пошнаси
Рақс этади бизнинг тупроқда.
Қандай қилиб ғазаб тошмасин,
Қон урмасин тирноқ-тирноққа!
Муросаи-мадорадир, о!
Чидагил эй, юрагим чида.
Жаноб элчи борар бепарво
Қунғиз мўйлов машинасида,
Чидагил эй, юрагим чида...

## БАЙРОҚ ҚАСИДАСИ

Москвада, Карл Маркс музейида кўрдим уни,
Қизил байроқ бобосини — коммунарлар байроғини

Ва бир нафас сукут сақлаб қурбонларни хотирлад
Кўз ўнгимга келди шундоқ Франция ботирлари.

Бу байроқнинг дастасида у қўлларнинг тафти ҳа
Қон рангини ўчиролмас вақту зулм, ўқу замон.

Қон рангида ёниб турар юз йилки бу қутлуғ б
Ўқ тешса ҳам инграмаган, мағрур турган улуғ б

Россияга совға этмиш Коммунанинг авлодлари,
Олдик, ўпдик бизлар,— янги эркин замон бунёд

Эллик йилки, коммунарлар орзу этган ҳаёт яш
Юз йил оша қалбимизда улар руҳи тирик яшар

Октябрнинг эллик ёшин тантанавор қутлар жаҳон,
Миллион-миллион қизил байроқ кўтарилур алвон-алво[н]

Африкада занжиларнинг қўлида ҳам шу байроқ,
Грецияда бандиларнинг дилида ҳам шу байроқ!

Бу байроққа увлар фақат Хитойдаги тескарилар,
Айтсинлар-чи, тарих нечук орқасига тисарилар?

Балқийверар офтоб сари юксалганча қизил байроқ,
Бомбаларнинг, қиргиларнинг қўли калта, йўли ботқо

Россиямиз омон сақлар курашчилар нафасини,
Коммунарлар байроғини — байроқларнинг бобосини!

Байроғимиз қон рангида, шу-чун қонга бўялмагай
Мовий осмон, яшил ўрмон, оқ пахтазор, сариқ буғдой!

Бу байроқдан уфиради қурбонларнинг тафти ҳамон,
Қон рангини ўчиролмас вақту зулм, ўқу замон.

Қон рангида ёниб турар юз йиллик бу қутлуғ байроқ,
Ўқ тешса ҳам ингрямаган, мағрур турган улуғ байроқ!

## МИС СУВОРИЙ

Менинг ҳам қалбимда илҳом тўлатди
Кўкка сапчиб турган арғимоқ.
Асрларча тирик турган санъатни
Янгиликмас, асли, мақтамоқ.
Пушкин тасвирига бирорта чизиқ
Қўшмоқликнинг ўзи ортиқча.

Илҳом, ҳаяжонга лекин даво йўқ,
Розиман азобини тортишга,
Россиянинг мовий кенгликларига
Сиғмаётган отнинг туёғи
Жо бўлолмас шаксиз, менинг шеъримга,
Айниқса. тоо доуз туооғи.
Петр улуғлиги ҳайкалтарошнинг
Назокати билан омухта:
Маъносин чақ битта чимирилган қошнинг,
Айтмоқ мушкул минглаб қомусда.
Таранг баданига қамчи зарбини
Мис оша, вақт оша кутар от.

От туёғи тегмай, Нева тўлқини
Бир арзиқиб тушди-я... ҳайҳот.

## ҚАҲРАМОННИНГ ҚИЁФАСИ

Эрмитажда
Бородино жангининг
Ботирлари савлат тўкиб туради.
Ялпоқ погонлари елкадан ҳам кенг,
Кўзларида чақнар
Руснинг журъати.
Аммо, ажаб,
Битта рамка турар бўш,
Тагида ёзиғлиқ
Фамилия, исм.
Қани
Қаҳрамоннинг қиёфаси, хўш?
Не сабаб

Жойидан қўзғалмиш расм?
Наҳотки бу марднинг
Ғўр эвараси
Юлиб кетган бўлса сақлай деб
Пинҳон?
Наҳотки Руснинг бу жигарпораси
Қиёфасиз қолса бетакрор, нолон?
Суриштириб кўрдим.
Бўлдики аён
Суратини сақлай олмапти тарих...
Асли
Суратга зор эмас бу жаҳон,
Инсон — инсон —
Тирик қолсагина руҳ,
Тўртбурчак рамкага
Боқдим қайтадан,
Гавдаланди кўзим ўнгида
У мард.
Жой олмоқлик учун
Тарих бетидан
Рамкага тушмоғинг
Эмас экан шарт!

*25. 7. 1972*

## ПЕТРОПАВЛОВСК ЗИЁРАТИДА

Бу ерда шоҳларнинг тиллакор қабри,
Қабр эмас, қасрга ўхшайди собор.
Бу ерда ҳукмрон ўлимнинг амри,
Узала тушгандир подшоҳлар қатор.
Нарёқда... қоронғи, асрий зиндонлар.

Қон ҳиди ҳали ҳам урар димоққа.
*Қўллар занжирда-ю, эркда виждонлар,*
Тинглангиз, Рилеев недир демоқда.
Кондратий дўстим, танияпсанми,
Шоирман сенингдай, юрагим оташ.
Шеърият улаган руҳ билан сени
Юз йил оша қучай, кел эй, жафокаш.
Хаёлга толаман. Бошқа улуғ зот
Елкамга оҳиста қўяр қўлини.
Вужудимга инар бирдан ҳарорат,
Тоғ қадар матонат қамрар дилимни.
Чернишевский... бу... кўзойнагини
Рўмолчаси билан артар қаршимда.
Россиянинг ёруғ келажагини
Титкилаб кўрмоқда балки, шу зумда.
Жўхорининг ипак попукларидай
Малла сочли йигит ҳов бурчакда лол.
Сашажон[1] мен сени нечун танимай,
Ёвузлик ҳуркиди сен солгач чангал.
Шундай, кечгача мен зиёрат қилдим,
Кураш изларини, қон изларини.
Қайтишимда яна узоқ тикилдим,—
Кўрганда соборнинг ожизларини.
Ҳамон ётишипти мармар кўрпада,
Қўрқувдан ялтирар сағаналари.
Фақат Пётр I нинг қалби тепади,
Тиришади тоҳо пешаналари...

## ШОҲ ҚЎНҒИРОҚ

Яраланган девдай
Ётибди чўкиб
Кремль ҳовлисида бу Шоҳ қўнғироқ.

---

[1] Александр Ульянов.

Атрофида одам йиғилар тўп-тўп,
Афсона тўқилар шу зум
Минг қуроқ.
Синган бўлагини қўзғата олмас
Кучи тирсиллаган
ҳар қандай полвон.
Шоҳ қўнғироқ номи
Беҳуда эмас,
Юз йиллардан бери бу ном
Тоқ қолган.
Рус пролетарининг қудратидан
Ўшанда илк хабар бериб жаҳонга,
Баҳайбат,
Паҳлавон Шоҳ қўнғироқни
Янгратмиш қадоқ қўл ишчи,
Оҳангар.

## ПАЛОВ, ОЛОВ, ҚИЗИЛ ГУЛ

Россияда бизнинг қўлбола палов
Бухородан келган оловдай азиз.
Дўстлар даврасида капгир ўйнатиб
Палов суздим оппоқ тарелкаларга.
Ҳамшаҳарим палов уялтирмади,
Осиёнинг қизил қуёши каби
Қиздирди қизларнинг баданларини,
Йигитлик қувватин берди чолларга,
Шаробнинг кайфимас, паловнинг кайфи
Кўнгиллар қулфини очди дафъатан.
Палов таом эмас,
Олов ва сувдан,
Ақл,
Эҳтиросдан яралган санъат.

Сувни озроқ қуйсанг марварид гуруч
Қоп-қора қирмочга айланган янглиқ,
Ақл совуқлиги босмаса бир оз
Ўз еғида ёниб битар эҳтирос.
Бир пиёла ортиқ сув солсанг агар
Қовурма паловинг бўлганидай ланж,
Ҳар қандай ўткир ҳис қолар таъсирсиз
Қамалса ақлнинг музхонасига.
Дўстлар даврасида палов баҳона —
Олов, сувнинг мопанд келганлигини
Қадаҳ уриштириб тасдиқладик хўп,
*Аммо сўзимизни гоҳо эҳтирос,*
Гоҳо ақл босиб кетарди бирдан.
Оловда қизил гул ўстирмоқ каби
Мушкул жумбоқ экан мутаносиблик.
Оловда битгандай кўзинг ўнгида
Ёниб, ёниб турар гарчи қизил гул.

## СВЕТЛАНА СОМОВА

Москвада,
Черёмушки тарафда
Яшар меҳрибону хокисор аёл.
Қўшиқ ёзмайди у шон деб,
шараф деб,
Сал мақтов жонига келтирар малол.
Деразадан тушган ғира-шира тонг
Унинг қаламида жилоланади.
Оқиш ёноғига югуради қон,
Шеър нафаси билан
Нафас олади.
Шеър ёзса йўқолар хасталиги ҳам,

Шеър — умри,
ёшлиги,
виждони унинг.
Ўзбекистон деса кўзларида нам,
Босолмас ҳаяжон,
Қувонч тўлқинин.
Ўзбек боғларида
Анҳор куйидан
Оҳанг олиб илк бор яратмиш қўшиқ.
Ҳамид Олимжоннинг
шеърини суйган,
Янгратган Пушкиннинг байтига эшиб.
Келин бўлганида ўсмалар қўйган
Қўнгир қошларини зулукдай қилиб.
Ғафур ғазалининг
таъмини туйган,
Салмоқлаган оғир вазнга солиб.
Энди Москвада,
Черёмушкида
Гоҳо ғазал битар,
Гоҳ дамлар палов.
Таралса беҳининг бирдан хуш ҳиди
Ўзбекистон ёнар кўзида лов-лов.
...Салом, Светлана Александровна,
Шеърият жангида бир ҳамширасиз,
Шеърият шамига
бўлиб парвона
Ҳамон ўзингизни ўтга урасиз.
Ёдингизга тушса Тошкент,
Фарғона
Билинг,
Шу кеч Сиз ҳам тушга кирасиз.

## ОҚ ТУНЛАР

Нева узра кўприклар бехос
Қоқ иккига ажралмоқда:
Учрашувга кечикдинг бир оз,
Қолиб кетдинг утта қиргоқда,
Нафасингни келтирар шамол,
Рўмолингни юлқиб тортади.
Менинг эса, эй соҳибжамол,
Бу соҳилда гамим ортади.
Дарё бўйлаб ёлгиз кезаман,
Сен томондан узолмайман кўз.
Қандай замон ахир, бу замон,
Айрилиқ бор, ҳижрон бор ҳануз?
Ё дарёга ўзим отайми,
Гажишайми тўлқинлар билан?
Нева эса дегандай «майли»
Чақнар оппоқ ёлқинлар билан.
Оппоқ, оппоқ, эҳс ҳамма ёқ,
Оқ чайканинг томогидай оқ.
Хаёлларнинг оқ қанотидан
Оққушларнинг пари тўкилар.
Оқ кечанинг нафосатидан
Гам, надомат нари чекинар.
Сен тарафга қарайман, бироқ,
Юрагимни ўртайди фироқ.
Икки ҳайдар кокилинг елда
Тўлганади қоп-қора, узун.
Учларини тутгандай қўлда
Мафтун-мафтун, қарайман мафтун.
Оппоқ тунда қоп-қора сочинг
Кашф этди бир ажойиботким,
Билмам, қандай гўзалликка тенг,
Эс-ҳушимни зумда ўйқотдим.
Бир ўхшатиш келди ўйимга

Оқ юздаги қора хол янглиқ
Оқ кечада, Нева бўйида
Турар эдинг ёлқинли, ёниқ.
О, севгилим, о, шарқлик гўзал,
Сен шимолда шундай бир боқдинг,
Бундан буён жўн шеър, жўн ғазал
Ёзмоқликка йўқ сира ҳаққим.

*1967—71*

## ХАЛҚЛАР БОБОСИГА

Одамлик ҳуқуқин
бизга ўргатган
Халқлар бобосининг
руҳига қасам...
Ғ. Ғулом.

Дунё
Файласуф чол, букри Гегелдай
Таяниб қолганди ёғоч ҳассага.
Қироллар
Ва шоҳлар
Парво ҳам қилмай
Қон тўлдириб ичар эди косага.
Қонки,
Чақалоқнинг покиза қони,
Ишчи жигаридан тирқираган қон.
Халқ ғазабин
Портлаб қолса вулқони
Яна шу қон билан
Босдилар ҳамон...
...Қадимий Трирда
Чет маҳаллада
Оламнинг янгича йўли, қисмати
Ечиларди улкан, ўсмир каллада:
Ҳақиқат изламоқ — хулқи, мақсади.
Йўқ!
Хавотир олма бу гал, одамзод!
Томас Мордай ширин хаёлчи эмас,
Маркс — бу кўрганинг!
Ягона бир зот-
Ки, сенинг эркингсиз олмагай нафас!

Жаҳон Граждани
Ҳамда Доҳийси
Улуғ «Манифест»га чекаркан имзо,
Қалбларда ғалаён қилди Эрк ҳисси,
Қобирғасин ушлаб қолди Чол — дунё.
Маркс эса ҳали навқирон эди,
Энгельсдан ёши хиёл улуғроқ.
Аммо
Умрин қадри бир жаҳон эди,
Асрлардан ошар
Қўлида маёқ.
Халқлар бобосидир навқирон Маркс
Бугун
Юз элликка кирган ёшида.
Ешарган оламга ташламоқда кўз,
Нигоҳида асрий қувонч, нашида.
Бироқ манглайида
Чизиқ бор, из бор.
Безовта дунёдан Маркс безовта.
Ҳали ҳам капитал ўйнамоқда дор,
Одамни ўтиндай ёқиб оловда.
Кечирсинлар асрим
Атом асримас,
Кибернетикаси арзимаган гап.
Коммунизм асри нафасма-нафас
Бормоқда Марксни,
Ленинни ёқлаб!
Пролетариат байроғин
Нақши, рангида
Халқлар бобосининг тирик сиймоси.
Бахт,
Озодлик учун курашда, жангда
Енгар аниқ
Тенглик ва Ҳақ дунёси!

*14. 3. 1968*

## ИШЧИ ЕМИЛЬЯНОВ

**Ишчи Емильянов,**
**Сенга ташаккур,**
**Ташаккур юракнинг чуқур қаъридан.**
**Ильичнинг бошини сақладинг омон,**
**Ёвнинг қонсираган тиғ, ханжаридан.**
**Рус пролетарии содиқ фарзанди,**
**Революция паноҳ топди**
**Чайлангда.**
**Ленинни яширган шу пичан ўтов**
**Тарихда муқаддас жойга айланди.**
**Разлив кўлкиллаган**
**Шу сокин қирғоқ**
**Белгилаб бераркан Инқилоб йўлин,**
**Қора қумғон осиб,**
**Мук тушиб ишлаб**
**Янгилади чирик дунёни Ленин**
**Ишчи Емильянов,**
**Билармидинг сен,**
**Чайланг пичан эмас, чайланг мармардан,**
**Эвараларга ҳам ҳикоя қилур**
**Инқилоб тонгида бўлган жанглардан.**
**Ишчига,**
**Ишчининг йўлбошчисига**
**Разливдаги чайла ҳайкалдир мудом.**
**Емильянов оға,**
**Сен Ильич билан**
**Минг йиллар яшайсан**
**Бўлиб ҳамқадам!**

*1970*

## ГУЛЧАМБАР

Владимир Владимирович,
ёдингиздами
Ҳайдаган эдингиз
Надсонни «Ша»га?
Ўша «Ша»дан
Шомансурнинг қалами
Усар навда синмагандай
шишага.
Асли
ёмон эмас
«Ша» деган жой ҳам,
Бир ёнда —
Шекспир,
бир ёнда — Шиллер,
Ўзбекчада
«Ша»дан шеърият кўркам,
Шоирнинг ўзи ҳам
нақ «Ша»дан келар.
Шайхзодани балки
танимассиз ҳам,
Сизнинг шогирдингиз,
менинг устозим.
Рост қомат эмасу
эди рост қалам,
Плюс
Маяковскийча
шеърнинг жонбози,

У бўлмаса,
балки,
бизда «Хорошо»
Жарангламас эди
сизга яраша.
Санъатнинг санъати
шеърий таржима,
Кетмас соддалик ҳам,
кетмас жимжима,
Қилмаган ишингиз қолмаган
аммо
Таржима соҳаси
Сизни чўчитган!
Таржимондан ўтса
қилча бир хато
*Шоирни*
фарқ этиб бўлмас чулчитдан!
Шахсан
Сизни,
Маяковский домла,
Юрак ютиб
шартта таржима қилмоқ
Кўзнинг қорасини
ханжарда илмоқ —
Сингари таассурот
қолур одамда.
Кўрдингизми,
«Ша» деб шунча шаталоқ отдим,
Ўзбекча билсангиз
дердингиз: «Шайтон»...
Хуллас,
Надсонвойни
«Ша»дан йўқотдим,
«Эм»га бораверсин,
«эм» ҳам кенг майдон.

Хуллас,
кўрдингизки,
аския бўлса
Ҳатто,
классикдан
тап тортмас ўзбек.
Шукрулло
Шуҳрат
сўзга қўшилса
*Шарипов*
ҳуснини
яширмас қиздек.
Аммо, улар
ҳозир Тошкентда...
узоқ...
Шахсингизга эмас,
шеърга сиғиниб
Гоҳ «устоз» дейману
гоҳ деймам «ўртоқ».
Оловлатаман
хуллас,
қалбим чўғини.
Қирқ йил илгари-ку
Пушкин ҳайкалин
*Силаб шеър ёзгансиз*
тирик қўл билан.
Юз йигирма беш ёшда
кўтариб кўнглин
Шахсан сийласангиз
қизил гул билан.
Энди-чи
ўзингиз Пушкинга ўхшаб
Кийиб олибсиз-а
бронза чопон?!

«Динамит[1]...» дейсизми?
йўқ, бўлмаган гап,
Ўлим эмас экан
синиқ бир сопол!
Мангулиги билан
тирикдир ўлим,
Классикни
ҳайкалга алмашар золим!
Бизларни архивга
олар теп-текин,
Яраб қолар
деса керак
бир сатри?
Эҳе,
Нима ҳожат васваса,
ўкинч,
Ўлимнинг олдида
бир тийин бари!
Ўлим-ку
ҳеч гапмас,
эскирмоқ ёмон,
Шеърнинг
эскирмоғи
айниқса!
Шеърингни шарбатдай
симириб замон
Чанқоғи
юз йилча
кошки,
қониқса!
Э, қаёқда дейсиз,
гоҳо шеъримиз

[1] В. В. Маяковский ўзининг «Тўёна» шеърида, а[illegible]
менга ҳайкал қўйилса, тагидан динамит қўйиб портлат[illegible]
дим, деган.

Ўптирмасдан туриб
қариб қолади.
Пушкинимиз
ёки
Алишеримиз
Гўрдан ўқрайиб
қараб қолади!
Шуни ўйлаганда,
Маяковский оға,
Сизга тан берамиз
тобора кўпроқ.
Йиллар довулида
ўзингиз дарға,
Сатрингиз жангларда
энг ўткир ярок!
Ажалга ўн йилча
омон берсангиз
Кўрардингиз жаҳон урушин шахсан.
Аммоки,
оловли, ҳақгўй шеърингиз
Биз билан
қулатди
Гитлерни тахтдан.
Вьетнамда
пучуқроқ,
қийиқ кўз бир мард
Шеърий сатр билан
душман калласин
Узиб ташлар экан
сапчадай шарт-шарт,
Демакки,
жанговар сафда
борсиз, хулласи!
Тикка турғазилган
ракетасимон

Ҳайкалингиз ҳатто,
шайдай парвозга, —
Кўксимни оғритар қўзғалса шамол.
Чунки,
Кўкрагимда улар илдизи,
Суғордим меҳримни сувдай эритиб.
Уларга тегмади қуёш ёғдуси,
Қоним ҳарорати турди илитиб.
Аммо
*Бу дарахтлар қолди экилмай,*
Фақат ялқовлигим эмас сабабчи.
Ҳеч кимга ялинмай,
Қўрқмай,
Букилмай
Ҳаётда қилдим мен бошқа савобни.
Масалан...
Масалан айни баҳорда
Ноҳақ жазоланган қўшнимни оқлаб,
Суд билан судлашиб юрдим шаҳарда.
Кўчат ўтқазишни ўйламай лоқал.

**Бўлолмаймиз чароғбон,**
**Машъал,**
**Тугата олмаймиз зулмат,**
**Фироқни,**
**Токи**
**Учирмоқни билмасак аввал**
**Кундузи бекорга ёнган чироқни.**

*16. 12. 1967*

# ҚЎШИҚ ҲАҚИДА

Қўшиқ учун қанот дединг куй,
Гўзал бўлса басдир музика.
Сўз келтирмас қўшиққа обрўй,
Ким ҳам қулоқ солар сўзига.
Бошқа дўстим муҳим дейди сўз,
Берилмоқлик шартмас оҳангга.
Чиройли қиз кийса ҳамки бўз
Гўзал бўлиб боқар жаҳонга.
Йўқ, дўстларим, қўшилмайман, йўқ,
Иккингиз ҳам икки четдасиз.
Шеъриятга *бирингиз ошиқ,*
Бирингиз-чи, шўх тор чертасиз,
Ёмон шеърга дилбар бир оҳанг
Ва жўн куйга ёзилса соз шеър,
Беролмайман мен яхши баҳо,
Бундай қўшиқ қўшиқ эмасдир.
Куй билан сўз бўлмаса бир қалб
Қовушмайди улар бутунлай.
Ўжар суднинг ҳукми-ла зўрлаб
Яраштирган эру хотиндай.

*26. 11. 1963*

## ГУЛ ТИКАНИ ВА ТИКАН ГУЛИ ҲАҚИДА

Назокатли гулнинг хунук тикани,
Хунук тиканакнинг гўзал гули бор.
Шуми, табиатнинг доно экани,
Тиканга гул, гулга тикан не даркор?
Тиканаксиз яшнай олмайди нахот
Боғу чаманларнинг гулу раъноси?
Тиканлар ҳам сулув гуллайди наҳот,
Бунинг сири недир, недир маъноси?
Қаранг табиатнинг бу қувлигини,
Гулга тикан, тиканга гул бахш этиб,
Одамнинг туйғусиз, туйғулигини
Синамоқ бўлади атай чалғитиб.

*10. 9. 1966*

## ҲАҚИҚАТ

Сенда буюк қудрат,
буюк жозиба.
Қаримайсан,
аммо, ёшармайсан ҳам.
Бомба портлашига,
қизнинг нозига
ўралиб ўзингни яширмайсан ҳам.

Фожиада,
бахтда,
курашда доим
Қабариб турасан содда ҳақиқат.
Одам юрагида сен яшар жойинг,
Сенга керак бўлур
на амал, на тахт.

Бошингни кесолмас
ҳар қандай қилич.
Йўлингни тўсолмас
ҳар қандайин ғов.
Сен кулиб турасан кулгандай Ильич,
ичидан зил кетар ҳар қандайин ёв.

Ёлғончилик касбин минг йил машқ қилиб
ваъз айтгудай бўлса бирор лўттибоз,

# БАРМОҚ ВАЗНИДА ЁЗИЛГАН ҒАЗАЛЛАР

## ҲУРМАТИНГДАН ОРТИҚРОҚ

Ҳурмат талаб қилма ҳеч ҳурматингдан ортиқроқ,
Шунда ҳиммат кўрурсан ҳимматингдан ортиқроқ.

Ўзгаларни ортиқ бил, ўзгаларнинг ғўраси
Ўйла, сен берган нозу неъматингдан ортиқроқ.

Дунёда ҳеч бир нарса пораламас дўст қалбин
«Фалон иш қилдим» деган миннатингдан ортиқроқ.

Дўстинг азоб тортса-ю қўшиқ айтсанг сен гумроҳ,
Бўлмагайми ўлим бу ғафлатингдан ортиқроқ.

Ишқда завол кўрмассан, одамий муҳаббатинг
Бўлса агар тилло-ю зийнатингдан ортиқроқ.

Қисматинг қўлингдадир, қисматингни бой берсанг —
Шуҳратингни қўюрсан хизматингдан ортиқроқ.

Юсуф, сен ҳам камтар бўл, ёзмадинг ёлғиз ғазал,
Заҳмат чекди қаламинг заҳматингдан ортиқроқ.

*28. 7. 1971*

## ШОИРСИЗ ДЕЙМАН?

*Сўзларингиз мунча зебо, шоирсиз дейман,*
Сочингизни силар сабо, шоирсиз дейман.

Япроқлар ҳам, гунчалар ҳам роз айтар сизга,
*Измингизда еру само, шоирсиз дейман.*

Соқов тошлар тилга кирар ҳузурингизда,
Шу-чун сизни сеҳргар ё шоирсиз дейман.

Ишқдан *сўзлаб* қизарганда яноқларингиз,
Ишқ дардига бир мубтало шоирсиз дейман.

Ким экан у, сизни тунлар бўзлатган дилбар,
Ёрилмайсиз, *бир муаммо* шоирсиз дейман.

Сўйланг ахир, озор берди қайси бағри тош,
Ёр куйида машрабнамо шоирсиз дейман.

Бир сўз билан ақлимни лол этдингиз бунча,
Юсуф каби уддабурро шоирсиз дейман.

*20.5. 1968*

## ЗУЛАЙҲО БЎЛСАНГ

Нега севмай нозанину таманно бўлсанг,
Ишқ ўтида ёнган қалбга тасалло бўлсанг.

На бўлғайки учрашганда бир қиё боқиб,
Бу маҳлиё ошиғингга маҳлиё бўлсанг.

Юлдузлар кўп, гул юзлар кўп, аммо на қилай,
Қалбим аро фақат ўзинг жо-бажо бўлсанг.

Нечун боқай кечалари самога мафтун,
Сен ердаги, ёнимдаги суранё бўлсанг.

*Бунчалар сен бўлмас эдинг парвойи палак,*
*Ишқ дардига мен сингари мубтало бўлсанг.*

Муҳаббатда, садоқатда тенгсизман мен ҳам,
Латофатда, назокатда сен танҳо бўлсанг.

Илтифот эт, арзларимга қулоқ сол дилбар,
Мен Юсуфман — агарда сен Зулайҳо бўлсанг.

*3. 12. 1962*

# МУАЛЛИМИМ

Кўз ўнгимда очди дунё муаллимим,
Йўлларимга сочди зиё муаллимим.

Гўдак эдим, она каби парваришлаб
Улғайтирди мени доно муаллимим.

Шогирдманки, тахт турарман хизматига,
Қилса агар битта имо, муаллимим.

Одамийлик илмини жо этди қалбга,
Ҳар сўзида меҳригиё, муаллимим.

Чуғурчиқдай шўх боланинг ҳар биттасин
Фарзандидан кўрар аъло, муаллимим.

Шогирдлари суянчиғи, кўзин нури,
Кексайса ҳам тутмас асо муаллимим.

Ёшаради, ёшаради тобора у
Ҳар қуйганда «беш-беш» баҳо муаллимим.

Шогирд Юсуф қарздор эрур сизга атаб
Катта достон ёзгунча то, муаллимим.

*14. 7. 1965*

# ТОҒ ҚИЗИ

Булоқ сувига чайқар ёноғини тоғ қизи,
Қўлда ўйнар дўлона япроғини тоғ қизи.

Сал кулса ёришади олам етти ранг билан,
Зимистон чўкар уйса қовоғини тоғ қизи.

Муз бўлсам ҳам ёнардим, тош бўлсам ҳам эрир;
Қаршимда қилса нозу фироғини тоғ қизи.

Кўзим кўзига тушди: ўғирлаганми, ҳай-ҳай,
Илк баҳорда осмоннинг чақмоғини тоғ қизи.

Юз йил ўпсанг кетмайди қошларининг қораси
Аптекадан олганмас бўёғини тоғ қизи.

Тушса кўза кўтариб чинор таги чашмага,
Жонсарак қилар бутун қишлоғини тоғ қизи.

Жонсараклар ичида пайдо бўлдим камина,
Қошки сезса қалбимнинг титроғини тоғ қизи.

Ишқ ичра шоҳу-гадо баробар дерлар, аммо
Билсайдинг шоир тортган қийноғини, тоғ қизи.

Сўзни Юсуф бас қилсин, етар бас ғўлдираши
Энди ўзинг тушунгил, бу ёғини, тоғ қизи!

*10. 3. 1968*

## ҚОЛМАДИ

Ишқ йўлида ўтмаган имтиҳоним қолмади,
Жонон, қалбинг тош экан, ҳеч гумоним қолмади.

Юрагимни олдингга кесиб қўйдим анордай,
Кўнглимда тариқчалик сир-пинҳоним қолмади.

Ёшлигим боғки, сенсиз сўлмоқдадир қовжираб,
Супуриб олай десам хас-хазоним қолмади.

Бир илиқ нафасингдан гуркирар боғим яна,
Кел жонон, чорлайвериб куч-дармоним қолмади.

Дўстларим даврасида ёрим келар дейвериб,
Қолмади ҳеч субутим, ҳам виждоним қолмади.

Бевафо бир қирғоққа бошин урган тўлқинман
Ки, ҳамон ҳаяжоним, ғалаёним қолмади.

Шундай ўжар бўронман, сени излаб ўкириб
Ошмаган ҳеч чўққиму ҳеч довоним қолмади.

Адо бўлдим ишқингда, дема мени Юсуфжон,
Юсуфим қолди холос, аммо жоним қолмади.

*22. 5. 1965*

# ХИЁЛ-ХИЁЛ

Сен турибсан кулиб жонон хиёл-хиёл,
Силкингандай бир туп райҳон хиёл-хиёл.

Булут соя сололмагай, нигоҳингдан
Ёришганда рўйи жаҳон хиёл-хиёл.

Кўз учида боқсанг агар бир қайрилиб,
Шайдоларинг қолмас омон хиёл-хиёл.

Биттагина сўз айтмоқни дилга тугиб
Яқин келдим сенга томон хиёл-хиёл.

Дарёдаги ғалаёнга айланди ёр,
Типирчилаб танимда жон хиёл-хиёл.

Оҳ, билмадим, этурмисан бир илтифот
Мушкулимни этиб осон хиёл-хиёл.

Ажаб эмас, Юсуф каби бахтим кулса,
Сен-ла боғлаб аҳду паймон, хиёл-хиёл.

*24. 6. 1972*

# ТАНИШАЙЛИК

Бош чайқама таклифимга, майли, дегил, танишайлик
Саломимга салом билан аста эгил, танишайлик.

Танишмасак юракларга армон бўлар тортинчоқлик,
Армон билан ўртанмасин нозик кўнгил, танишайлик.

*Эҳтимолки дўстлигимиз ғунча мисол очилару*
*Ишқ боғида бўлиб қолар бир жуфт сунбул, танишайлик.*

Ўйламаки, бир кўришда шайдо бўлди енгилтак деб,
Изларингдан пинҳон юрдим қанча фасл, танишайлик.

Ботиндиму ёнгинангга энди келдим соҳибжамол,
Сўзларим чин, ишқ йўлида кетмас ҳазил, танишайлик.

Имтиҳон эт истаганча синаб кўргил бардошимни,
Мен ҳам юртга, бу диёрга содиқ ўғил, танишайлик.

Меҳнатимнинг терларидан маржон тақай бўйнингга ман,
Гапларимга хоҳ бўғилма, хоҳи бўғил, танишайлик.

Севмасанг гар бу Юсуфнинг зори бору зўри йўқдир,
Ҳеч бўлмаса тутинармиз ака-сингил, танишайлик.

*17. 4. 1964*

## БИЛМАС ЭДИМ, ЎРГАНДИМ

Муҳаббатнинг маъносини билмас эдим, ўргандим,
Ҳар ишора, имосини билмас эдим, ўргандим.

Ёрга мактуб ёзган чоғи не донолар лол қолур,
Ишқ баёзин имлосини билмас эдим, ўргандим.

Муҳаббатни лаззат дердим, дердим фақат фароғат,
Қаранг аммо, «аммо»сини билмас эдим, ўргандим.

Висолдан сўнг ҳижрон келиб, ҳижроннинг ўртага
Минг хилдаги савдосини билмас эдим, ўргандим.

То ўзимнинг пойқадамим етмагунча, эй дўстлар,
Мажнун кезган саҳросини билмас эдим, ўргандим.

«Жафо» билан «вафо» сўзин жуфтлардиму шеъримда,
Бу икки сўз аросини билмас эдим, ўргандим.

Бедаводир дарди ишқим, келсин Юсуф ёнига
Кимки деса: «давосини билмас эдим, ўргандим».

*11.7.1972*

Меҳнатимнинг терларидан маржон тақай бўйнингга ман,
Гапларимга хоҳ бўғилма, хоҳи бўғил, танишайлик.

Севмасанг гар бу Юсуфнинг зори бору зўри йўқдир,
Ҳеч бўлмаса тутинармиз ака-сингил, танишайлик.

*17. 4. 1964*

## БИЛМАС ЭДИМ, ЎРГАНДИМ

Муҳаббатнинг маъносини билмас эдим, ўргандим,
Ҳар ишора, имосини билмас эдим, ўргандим.

Ёрга мактуб ёзган чоғи не донолар лол қолур,
Ишқ баёзин имлосини билмас эдим, ўргандим.

Муҳаббатни лаззат дердим, дердим фақат фароғат,
Қаранг аммо, «аммо»сини билмас эдим, ўргандим.

Висолдан сўнг ҳижрон келиб, ҳижроннинг ўртаган
Минг хилдаги савдосини билмас эдим, ўргандим.

То ўзимнинг пойқадамим етмагунча, эй дўстлар,
*Мажнун кезган саҳросини билмас эдим, ўргандим.*

«Жафо» билан «вафо» сўзин жуфтлардиму шеъримда,
Бу икки сўз аросини билмас эдим, ўргандим.

Бедаводир дарди ишқим, келсин Юсуф ёнига
Кимки деса: «давосини билмас эдим, ўргандим».

*11.7. 1972*

# МАЙ ҒАЗАЛИ

Саф-саф бўлиб борамиз қўлда байроқлар билан,
Қувончимиз чексиздир дўстлар, ўртоқлар билан.

Май байрамин тонгида дарахтлар ҳам безанмиш,
Олқишлар қарсак чалиб кўм-кўк япроқлар билан.

Болалар шар учириб қийқирар кўкка қараб,
Дунё асли гўзалдир шу шўх, қувноқлар билан.

Дарёлар бўйида ҳам кезар байрам нафаси,
Тўлқинлар ўйнашади яшил қирғоқлар билан.

Қизил Майдондан янграб «урра», «урра» садоси,
Туташиб кетар зумда шаҳар-қишлоқлар билан.

Чўпонлар шод тоғларда, яйловдай кенг ўтовлар,
Борлиқ боқар турна кўз, тиниқ булоқлар билан.

Бутун дунё қаршилар улуғ Май тантанасин,
Буюк шаҳарлар туташ кўча, сўқмоқлар билан.

Бу байрам овозига овозин қўшиб Юсуф
Ғазал ёзди ўйноқи вазн, туроқлар билан.

*1. 5. 1966*

# МУҲАББАТ МАКТУБЛАРИ

## ИЛК СЕВГИ

Илк севгани билан қовушганлар оз,
Ростини айтайлик,
Яширмоқ нечун?
Илк севги
Бир марта келаркан холос,
Қалбингни бир умр ўртамоқ учун.
Ажабмаски,
Тўқсон ёшлик чол ҳам гоҳ
«Ўшамисан?»— дея боқса ёш қизга.
Назарида ўша қурғур ҳамон шўх,
Ҳамон олов бўлиб кўринар кўзга.
Ажабмаски,
Тўқсон ёшлик кампирга
Ўша илк севганинг ҳозир чол десанг,
Шамшоддай қомати букир, дол десанг,
Онт ичсанг — ишонмас асло гапингга.
Назарида ўша йигит ҳамон ёш,
Ҳамон ҳаяжонда титрар ўполмай,
Ҳамон сув бўйида эгиб турар бош —
Ўн саккиз ёшидан нари ўтолмай.
Илк севгани билан қовушганлар оз,
Ростини айтайлик,
Яширмоқ нечун?
Илк севги
Бир марта келаркан холос

Қалбингни бир умр ўртамоқ учун.
Шунча ҳаяжону шунча ғалаён,
Шунчалик оташу шунчалик туғён,
Шунча нафосату шунча муҳаббат,
Шунча гўзаллигу шунча ҳарорат —
Икки дил ипини улолмас наҳот,
Наҳотки, ўртага сиғар айрилиқ?
Жавоб бер, илк севги, сен қайси жаллод?
Нетасан қалбларни ўтда қовуриб?
О, кечир, илк севгим,
Сенда гуноҳ йўқ.
Қаршингда гангиди ўзимнинг бошим.
Билмовдим
Дунёда бор деб айрилиқ.
Ун саккизда эди у чоғда ёшим.
Севгини китобдан ўқирдим холос,
Қиз билагин ушлаб кўрмовдим ҳали.
Ушанда
Сен келдинг дилбар, дилнавоз,
Дебман сени шоир-шоир хаёли.
Бирдан чақмоқ чақдинг мурғак бошимда,
Ўшанда ҳам кулиб турдим қаршингда.
Суяк-суягимни зирқиратсанг ҳам
Ҳеч парво қилмадим, о, илк муҳаббат,
Боғлардан-боғларга
Қўйдиму қадам,
Ёр сочин силадим, топдим фароғат,
Илк бўса олибоқ
Бўлиб қолдим маст,
Муҳаббатдан, бахтдан бошим гангиган.
Билмабман
Бу ҳали муҳаббат эмас,
Муҳаббат йўлида битта жанг экан...
Илк севгани билан қовушганлар оз,
Ростини айтайлик,

**Яширмоқ нечун?**
**Илк севги**
**Бир марта келаркан холос,**
**Қалбингни бир умр ўртамоқ учун...**

*19. 6. 1966*

## ШИРМОЙ

*(Самарқанд гўзалига)*

Хайрлашар чоғи мени кузатдинг,
Эсдалик деб иссиқ ширмой узатдинг.
Олдиму
Тикилдим узолмай нигоҳ.
Сеҳрингдан, меҳрингдан қилгандай огоҳ,—
Қўлимда яшнади ширмойинг, гўзал,
Ширмойингми бу ё чиройинг гўзал?
Шафақлар лаълини бунга бахш этган
Дудоқларингми ё ёноқларингми?
Зарафшон мавжини бунга нақш этган
Бармоқларингми ё қаймоқларингми?

Терган шунча нозик инжу нуқралар
Оддий чакичми ё киприкларингми?
Оташга йўғрилган оташ мисралар
Менга саломларинг, табрикларингми?
Ширмойинг тарами боғдан терилган
Самарқанднинг машҳур анжири мисол.
Буғдойзордан чиққач,
Янги ўрилган
Олтин сочларингнинг занжири мисол.
Сира кўрмагандим бундай ширмойни,
Самарқанд кўкидан уздингми ойни?
Ширмойинг хислати, фазилатлари

Меҳринг тандирида пишганиданми?
Меҳринг оташи ва ҳароратлари
Меҳмон шоирингга тушганиданми?
Шундайми, жавоб бер, о, соҳибжамол,
Йўқса нечун қилдинг мени бунча лол?

*30. 10. 1959*

## ЎН САККИЗГА КИРДИМ... ИККИНЧИ МАРТА

Таъна қилдинг: «Қариб қолдингиз,
Ўн саккизда эмассиз энди.
Қирқларга ҳам бориб қолдингиз,
Ғазалингиз ром этур кимни?»

О, севгилим, о севикли ёр,
Камситмагил бекордан-бекор.
Қирчиллама ўттиз олтида
Ёнингдаман, ёшлигим шу-да...

Ўн саккиз йил яшадик бирга
Ўн саккизда тушган муҳаббат
Шундоқ татиб кетди умрга,
*Қалбда ҳамон ўша ҳарорат.*

*Ёш дегани шартли бир нарса*
(Айниқса-чи иккимиз учун),
Ўн саккиз йил, ўйлаб қараса,
Ҳеч гап эмас ишқимиз учун.

Ўн саккизда анча ғўр эдик,
Мурғак эди муҳаббатимиз.
Севги нима — мана кўр энди:
Келди бугун камолатимиз.

Демак, у чоқ туғилган ишқим
Ўн саккизга тўлди-ю бугун,
Лахча чўғга айланди бутун
Ва аланга олди қўшиғим.

О жонгинам, таъпанг баҳона —
Қулоғингга айтай бу кеча:
Ақлинг бўлса, умринг ҳисобла
Ўн саккиздан ўн саккизгача.

Кўрдингми, мен иккинчи марта
Ўн саккизнинг қучоғидаман.
Шундай бўлгач, сен ҳам албатта.
Шоирингнинг тузоғидасан.

*24. 6. 1972*

# ДОҒМАН

Гўзаллар ўтади кўча тўлдириб,
Зулфлар занжирига эшилар ақлим.
Ҳар қандай гулзорни йўлда қолдириб,
Қизларнинг чамани яратар иқлим.

Хайриддин Салоҳдай ҳайқирайми ё:
«О, шаҳрим қизлари! Ой сулув қизлар!»
Шоир зоти ожиз қолур, ажабо,
Ер остидан хумор боққанда кўзлар.

Битта имо билан, битта ноз билан
Минг йиллик таърифлар бўлганда бекор.
Юракнинг ўрнида куйган жаз билан
Ўтиб кетди не-не шоирлар афгор.

Энди
Менга навбат етган чоғида
Топай дейман бирор гўзалга таъбир.
Қоғоз узра мукка тушиб гоҳида,
Гоҳида шаҳарни қиламан сайр.

Ва салом бераман бирор гўзалга.
Қадду қоматига тикиламан лол.
У эса боради минг хил хаёлга,
Алик олмоқлик ҳам келгандай малол.

Сўрайди: — Кеннойим соғмилар, қалай,
Хабарлари борми янги модадан?
Сўрайди қозону товоғи қолмай,
Кеннойисин сўрар қайта-қайтадан.

— Раҳмат,
Раҳмат — дейман мен тортиб ҳушёр, —
Кеннойингиз билан
Тирикман,
Соғман.
Сизнинг таънангизу
Унинг рашки бор,
Ишқий ғазалимни ёзолмай доғман!

*17. 8. 1972*

## ДОҒМАН

Гўзаллар ўтади кўча тўлдириб,
Зулфлар занжирига ошиқлар ақлим.
Ҳар қандай гулзорни йўлда қолдириб,
Қизларнинг чамани яратар иқлим.

Хайриддин Салоҳдай ҳайқирайми ё:
«О, шаҳрим қизлари! Ой сулув қизлар!»
Шоир зоти ожиз қолур, ажабо,
Ер остидан хумор боққанда кўзлар.

Битта имо билан, битта ноз билан
Минг йиллик таърифлар бўлганда бекор.
Юракнинг ўрнида куйган жаз билан
Ўтиб кетди не-не шоирлар афгор.

Энди
Менга навбат етган чоғида
Топай дейман бирор гўзалга таъбир.
Қоғоз узра мукка тушиб гоҳида,
Гоҳида шаҳарни қиламан сайр.

Ва салом бераман бирор гўзалга.
Қадду қоматига тикиламан лол.
У эса боради минг хил хаёлга,
Алик олмоқлик ҳам келгандай малол.

Сўрайди: — Кеннойим соғмилар, қалай,
Хабарлари борми янги модадан?
Сўрайди қозону товоғи қолмай,
Кеннойисин сўрар қайта-қайтадан.

— Раҳмат,
Раҳмат — деймап мен тортиб ҳушёр, —
Кеннойингиз билан
Тирикман,
Соғман.
Сизнинг таъпангизу
Унинг рашки бор,
Ишқий ғазалимни ёзолмай доғман!

*17. 8. 1972*

Рангда камалак ҳам келолмасин бас,
Бу гал учрашувда атлас кий, атлас!

Меҳнат нафосатин намоён этиб,
Сулув қиздай кулсин десанг Марғилон,
Бу гал учрашувда хиромон этиб,
Атлас кийиб ўтгил боғлар бағридан.
Ҳар ошиқ қалбида қўзғалиб ҳавас,
Буюрсин ёрига: — Атлас кий, атлас!

*9. 10. 1962*

Сўзлай қолгин «мутти-мутти»,
Сўзларингнинг қадри ўтди.

Шамол бўлиб торткилайми
Рўмолингнинг учидан ё.
Белларимни дол қилайми
Муҳаббатинг кучидан ё.
Бир содда сўз «мутти-мутти»
Менга шунча жабр этди.

Ё орқангдан борайминкин,
Кирайминкин остонангдан.
Неки бўлса кўрайминкин,
Кўрайминкин пешонамдан.
Ҳеч бўлмаса «мутти-мутти»
Дерсан ахир: «Ким келути?»

Ё қўлингга таёқ олиб
Қувлайсанми меҳмонингни.
Ундай бўлса қўйгин билиб,
Ортиқ бузмай оромингни,
Шоир аканг «мутти-мутти»
Бу дунёдан ўтди-ўтди.

*22. 7. 1967*

# НАМАНГАНЛИК НОЗАНИН

Наманганлик нозанин қиз,
Боғларингда мевангг ширин.
Сўз айтмоққа очсанг оғиз
«Мутти, мутти» шеванг ширин.
Деган саринг «мутти-мутти»
Қалбим уриб кетути.

Ун йил ўқиб тил дарсини
«Мутти-мутти» дейсан ҳамон.
Гоҳ ўрганиб, гоҳ хўрсиниб,
Ишқингда мен бўлдим тамом.
Деган саринг «мутти-мутти»,
Ичим ёниб кетути.

Меҳмон деган оддий сўзни
Шунча ширин айтасан оҳ,
Бир кун десанг «севдим сизни»,
Эриб кетгум, бўлгил огоҳ.
Деган саринг «мутти-мутти»,
Бағрим куйиб кетути.

Ёқут кўзли узугингга
Боқиб қолдинг ҳаё билан,
Термулганча кўзгинангга,
Ўлтирибман хаёл билан.

Сўзлай қолгин «мутти-мутти»,
Сўзларингнинг қадри ўтди.

Шамол бўлиб тортқилайми
Рўмолингнинг учидан ё.
Белларимни дол қилайми
Муҳаббатинг кучидан ё.
Бир содда сўз «мутти-мутти»
Менга шунча жабр этди.

Ё орқангдан борайминкин,
Кирайминкин остонангдан.
Неки бўлса кўрайминкин,
Кўрайминкин пешонамдан.
Ҳеч бўлмаса «мутти-мутти»
Дерсан ахир: «Ким келути?»

Ё қўлингга таёқ олиб
Қувлайсанми меҳмонингни.
Ундай бўлса қўйгин билиб,
Ортиқ бузмай оромингни,
Шоир аканг «мутти-мутти»
Бу дунёдан ўтди-ўтди.

*22. 7. 1967*

* *
*

*Валентина Николаева-Терешкова*
*ва Андриян Николаевларга*

**Бу икки ошиқнинг қисмати бошқа,**
**Боқмадилар**
**Улар кўкка ҳайратда.**
**Иккиси қуёшни тож қилиб бошга**
**Сайёралар аро сайр этди.**
**Тўй куни шайдолар бахтдийда бўлиб**
**Бир-бирин қўлига таққанда узук,**
**Тилла нурларини тўёна қилиб**
**Қуда юлдузларнинг кўзлари сузук.**
**Қадимдан**
**Ошиқлар кўкка кўз тутиб**
**Ой чиқишин кутар эди бетоқат.**
**Булар эса**
**Аввал кўкни забт этиб**
**Кейин изҳор қилди муҳаббат.**

*23. 3. 1966*

## ҚЎШНИМ ҚИЗИ

Қўшним қизи жуда ажойиб,
Сержаҳлу шаддотроқ ўзи.
Сал парсага ташлайди койиб,
Салга учар лабдан шу сўзи:
— Қуриб кетсин!..
Сиркаси сув кўтармас унинг,
Жаҳли турар бурнин учида.
Эссиз, унга қолса гар кунинг,
Кўмиласан шу сўз ичига:
— Қуриб кетсин!
Дарс тайёрлар... келиб онаси —
Гап сўрайди, қиз тошар сутдай.
Тиришади тез пешанаси,
«Севган» сўзин тўкади тутдай:
— Қуриб кетсин!
Деймиз унга:— Мулойимроқ бўл,
Йўқса, сени олмайди ҳеч эр.
Тасир-тусур қилар мисли дўл,
— Мени олмай ўша эр ҳам,— дер,
— Қуриб кетсин!
Йиллар ўтди —... унинг қалбига
Оташ солди бирдан муҳаббат.
(О, муҳаббат, қийнайди нега?)
Ишққа ҳам у дер қилмай шафқат:
— Қуриб кетсин!

Йигит уни дегач «Ёр, эркам...»
Қалбда сезди ишқ ҳароратин.
Шунда айтди: «Муҳаббатни ҳа
«Қуриб кетсин!» деган одатим,-
Қуриб кетсин!»

*30. 10. 1959*

## ҚОР ХАТ

*(Ҳазил)*

Кечалари уйқудан кечиб
Мактуб ёзар эдим жононга.
Ҳеч бирига жавоб бермасди,
Қулоқ солмай оҳу фиғонга.

Хатларимни асраган бўлса
Юз чоғ китоб бўлишлиги рост.
Ҳаммасини тахласа бир йўл
Токчалари тўлишлиги рост.

Ахир шу ҳам инсоф бўлдими,
Шунча хатга ёзмаса бир хат.
Аччиғландим, мен ҳам ёзмадим,
Майли қалбни эзсин муҳаббат!..

Кунлар ўтди. Бир кун ногиҳон
Бахтим кулди, ёр бўлди иқбол.
Қўлларимга илтифот билан
Хат тутқазди у соҳибжамол.

Тушим эмас, балки ўнгимда
Мактуб олдим ёримдан, шукур.
Очсам: «Қор хат!» — дилором сўзлар,
Бу сўзларни мен сақлайман сир...

Шундан бери ҳар дўстга деяман:
— Хат ёзмаса бўлма ноумид.
Бардош бериб бутун азобга,
Биринчи қор ёғишини кут!

*10. 12. 1957*

# ЎРАК ВА ЮРАК

Бошгинамни тиззангга қўйсам
Сочим силаб ҳайрон қоласан,
Дейсан: сўзла ва ичгил қасам,
Яна нечта хотин оласан!
Дейман: нечун қиласан гумон,
Сенсиз менга тордир бу жаҳон!
Дейсан: Тўхта, тўхта, шошилма,
Тўрт ўрак бор ахир бошингда.
Демак яна учта нозанин
Айлантирар бошингни, ёрим.
Шундай бўлса тақдир ёзгани
Бошим тошга ураман бориб.
— Тўхта дейман, бош урма тошга,
Ўрак бошқа ва юрак бошқа!
Аммо менга қулоқ солмайсан,
Ўжарликдан сира қолмайсан.
— Шошма дейман кўрай бошингни,
Қанча экан сенинг ўрагинг?
— Майли, дейсан, ечиб сочингни,
Истаганча майли қарагин!
Қарайману дейман қайгуда:
Тўртта экан сенда ҳам ўрак.
Севишибмиз жоним беҳуда,
Тўртта эрга тегасан демак.
Жаҳлинг чиқиб кетар шунда, ёр,

**Шундан бери ҳар дўстга дейман:**
**— Хат ёзмаса бўлма ноумид.**
**Бардош бериб бутун азобга,**
**Биринчи қор ёғишини кут!**

*10. 12. 1957*

# ЎРАК ВА ЮРАК

Бошгинамни тиззангга қўйсам
Сочим силаб ҳайрон қоласан,
Дейсан: сўзла ва ингил қасам,
Яна нечта хотин оласан!
Деймаи: нечун қиласан гумон,
Сенсиз менга тордир бу жаҳон!
Дейсан: Тўхта, тўхта, шошилма,
Тўрт ўрак бор ахир бошингда.
Демак яна учта нозанин
Айлантирар бошингни, ёрим.
Шундай бўлса тақдир ёзгани
Бошим тошга урамаи бориб.
— Тўхта дейман, бош урма тошга,
Ўрак бошқа ва юрак бошқа!
Аммо менга қулоқ солмайсан,
Ўжарликдан сира қолмайсан.
— Шошма дейман кўрай бошингни,
Қанча экан сенинг ўрагинг?
— Майли, дейсан, ечиб сочингни,
Истаганча майли қарагин!
Қарайману дейман қайғуда:
Тўртта экан сенда ҳам ўрак.
Севишибмиз жоним беҳуда,
Тўртта эрга тегасан демак.
Жаҳлинг чиқиб кетар шунда, ёр,

Жонинг келар ҳиқилдоғингга.
Дейман: булар ҳаммаси бекор,
Қовринлмагин, ёрим, ёғингга.
Ҳа, саккизта ўракларимиз,
Лекин битта юракларимиз.
Ўракларнинг сабабин сўраб
Келтирма қўй, кўнглингга малол,
Бошлардаги саккизта ўрак,
Саккиз фарзанд бўлса, эҳтимол.

*19. 7. 1965*

## РАНГЛАРНИНГ УРУҒИ

*(Баллада)*

Қани, ўйлаб қаранглар,
Қайдан келмиш бу ранглар?
Оқ рангнинг оқлиги қандоқ
Туғилган?
Барглар яшил рангга қандоқ
Йўғрилган?

Камалакнинг етти рангини,
Етти рангнинг етмиш хил
Жарангини
Мумкин қандоқ изоҳлаш?
Мумкинмикин хаёлни
Қўлсиз,
Оёқсиз
Бўйинсиз

Шўх хаёлни тузоқлаш?
Ҳар ким ўз хаёлин мевасини
Яратур
Рангларнинг уруғидан.
Мен эса, боргумдир шаксиз
(Ўйлайманки, ярашур!)
Шеъримнинг йўригидан:
Йигит бўлган бир вақтлар

Ва ёнида қиз бўлган.
Олам эса, ҳозиргидай алвонмас,
Рангсиз бўлган, бўз бўлган.

Кўкда эса, етти рангли камалак эмас,
Ярим гардиш из бўлган.
Йигит қизнинг кўзларига тикилган
Оҳ тортиб кечалари.
Қиз бўлса на қиё боққан,
*На бир эътибор қилган.*

На қимир этган осойишта мижжалари
Йигит келиб охири дилбарининг ёнига
Бир сўз айтган шаънига.
Шунда пайдо бўлган ширин жимирлаш
Нозанинниг томир-томирларида.
Шунда йигит юрагини ўртагану бир оташ,
Туролмаган ортиқ нарида.

Шартта келиб қизнинг ёноқларидая
(Балки, дудоқларидан?)
Ўпиб олган олов лаб билан.
Қизнинг юзи муҳаббатдан, ҳаёдан
Лов этгану қизарган.
Шундай қилиб дунё ўзгарган.

Йигит дарров
Кўкка қўл чўзиб
Камалакнинг ўрнидаги ярим гардишга
Қўйган қизил ранг чизиб.
Ўйлаганки, қайтарилмас бу ҳолат:

Шунинг учун шакл топсин,
Ранг топсин
Муҳаббатдан туғилган бу ҳарорат.

Камалакнинг шу илк рангига қараб
Қамашган қизнинг кўзи.
Бу ҳодиса рўй берди қай вақтда?
Шу савол сабаб
Иккисининг хаёли тўзди.
Елаклашиб ўтдилар
Тошма-тош,
Қояма-қоя,
Муҳаббатнинг фаслига ранг излаб
Бош
Қотирдилар бениҳоя.

— Мана! — деди охири қиз.
Тупроқни қоқ ёриб,
Бош кўтариб турарди ялпиз,
Узиб олди йигит сувнинг бўйига бориб
— Оҳ! — деди қиз,
Нима қилиб қўйдинг
Камалакнинг ўрнидаги ярим гардишга
Яшил рангни чизиб қўйди тез.

— Мана, — деди, — севги фаслининг ранги
Энди
Ўлмайдиган бўлди умрбод.
Йигит кулди шод.
Шундан кейин ялпиз рангини
Бошқа кўкатларга таратди.

## АЙРИЛИҚ БОШҚА

Айрилиқ бошқа-ю, жудолик бошқа,
Ҳар иккисида ҳам бош урма тошга.

## НАСИҲАТ

*Насиҳатим шуки, сенга, қилма насиҳат,*
Ундан кўра жангда теккан ўқ изин кўрсат.

## СЎРҒИЧ

Ҳаётда лўттибозлар бўлса не айб гўдакда?
Кўзбўямачиликка ўргатамиз йўргакда.

## ҚЎШИҚ

Шеър — қўшиқ бўлмаслиги мумкиндир гоҳо,
Қўшиқ-чи? Шеър бўлмоғи шартдир доимо.

## ЖАЛЛОД ВА ЖАРРОҲ

Узиб ташлолмадим нечун жаллод калласин,
Кийиб келган экан, ҳайҳот, жарроҳ либосин.

## ҚОҒОЗ

Қоғоз гумонли ёр каби боқармиш титраб:
Бугун қалам менга айтаркин не гап?

## КЕПАК

Изланиш ненидир топиш демакдир,
Минг ағдар, минг тонна кепак — кепакдир.

## ИККИ ЎРИМ СОЧДАЙ

Икки ўрим сочдай икки сатр шеър,
Унда поэзия жамолини кўр.

## ЯПРОҚ

Япроқ — фақат либос эмас, илдизларнинг илҳоми,
Қизил гул эса боғбон эҳтиросин гулхани.

## КЎЗГУЛАР ЛОҚАЙД

Ойна тўғри акс этади афти-башаранг,
Унга бари бирдир қарисанг ё ёшарсанг.

## ГУГУРТ

Миллион тонна кўмир чиқаролмас ўт,
Тилин теккизмаса бир дона гугурт.

## ИНСОН ДЕЙДИ:

Илон заҳридан-ку, яратдим дори,
Ўз заҳримга ўзим гоҳ топмам чора.

## ЕЗ

Ёзнинг қозонида қайнар тўкинлик,
Бундан бу ёғига яшаш текиндек.

## ИККИ КЎЗЛАБ

Икки кўзлаб кўрдим мен, қўш қулоқлаб эшитдим,
Аммо ўзим дард чеккач, дард нелигин ҳис этдим.

## ДАСТА ГУЛ

Даста гулни деймап бир даста қисмат,
Тентак бузоққа бу бир чимдим овқат.

## НОЛЬ ҚАДРИ

Ноль қадрини топади ёнига чексанг рақам,
Ер юмалоқ ноль холос, рақами тирик одам.

## ЎН САККИЗ ЁШ

Эҳе, ўн саккиз ёш қайтарилмас ёш,
Йигит қалби гулу, қизнинг бағри тош.

## БИР ТАНҚИДЧИГА

Энгашсанг бошингдан тўкилар ақл,
Қимир этма, типпа-тик ўсганинг маъқул...

## РУС ТИЛИ

Дўстлар, баъзи ғийбатларга ҳеч қулоқ османг,
Жами она тиллар учун шу тилдир посбон.

## БЕМОРЛИКДА

Сумбула сувидан ичдим бир қултум,
Тирик эканимни тағин ҳис қилдим.

## ТЕША ВА ЛЎМ

Сен тешасан, пеки чопсанг ўзингга туширасан,
Мен лўмманки, не кўчирсам ўзгага оширaман.

## КЎЗ

Қалбнинг ва ақлнинг деразаси — кўз,
Ки уни тош эмас, синдиради сўз.

## БУЛБУЛГА

Кибернетиканинг сенга етмас қуввати,
Гул — гул, бўлиб, булбул — булбул бўлиб қолади.

## ҚУВУР

Қувур ўтмаганми ичингдан, мабодо.
Бир хил кечар сендан муз, олов, шаббода.

## АЛИКСИЗ САЛОМ

Аликсиз қолган салом эрсиз бева, кўзсиз чеҳрадир,
Шу лаҳза ёруғ олам, тонг шафағи гўрдай хирадир.

## ҚЎШНИЧИЛИК

Қўшничилик туташ девор-дармиён эмас,
Пайванд бўлсин қўлга қўл, нафасга нафас.

## МАНСАБ МАНСАБМИ?

Мансабга минай деб сотма виждону тўнгача,
*Керак бўлса мансаб кўтарилсин сенгача.*

## БИР ШИША СИЁҲ

Бир шиша сиёҳда қанча роман бор,
Қанча ҳақиқат бор, қанча бўҳтон бор.

## КУЛАВЕР

Бировни лилипут де, бировни Гулливер,
Ораликда қолган нодон, майли, кулавер

## ИШЧИ ЙИГИТ

Олов сачратиб темир пайвандлар ишчи йигит,
Аммо юмшоқ қалбини бир қалбга улолмай хит.

## ОРТИҚЧА

Бир ортиқча ғишт иморатни бузади,
Бир ортиқча ғаш муҳаббатни бузади.

## КАПАЛАК ВА ЧАҚАЛОҚ

Чақалоқ қийқирар, капалак ўйнар,
Она. Хиросимани ўйлар, ҳа, ўйлар...

## БАҲОР

Қизалоқ сочига тақди тол баргак,
Шунда баҳор кулди мисли баҳордак.

## НАРВОН

Ёғоч нарвон, темир нарвон... — ҳаммаси
Ракетанинг энг қадимий бобоси.

## «МАЁҚ»

Сувда оқиб ёнаётган бир қоғоз
Маёқликни даъво қилипти, паққос.

## ОЛАМ ВА ИГНА

Игнанинг тор кўчасидан кўринар олам,
Кенг оламдан эса игна кўринмас, болам.

## КИТОБ

Гоҳо китоб отанг каби берар насиҳат,
Гоҳ ёр каби: соғинасан қилмасанг суҳбат.

## КЕТАР ЧОҒИ

Кетар чоғи орқангга бир қайрил эй аёл:
Бунда қолиб кетмадими тақдир ё иқбол?

## ШАХМАТ ШОҲИГА

Минг марта мот бўлиб, минг марта тағин
Жанг қилмоққа қандай келаркин чоғинг?

## МИХ БИЛАН МУРВАТ

Жони темирдандир иккисининг ҳам,
Лекин иккаласи иккита олам.

## ҚОВОҚ СОЛИШ

Битта табассум ё бир қовоқ солиш,
Гоҳ тақдир деган гап, оғайни чалиш.

## СОҒИНЧ

Айрилиқ, ҳижрондан соғинч туғилар,
Соғинчсиз ишқ ҳидсиз гулдай туюлар.

## ҒИЙБАТ

Одамдан чиқа солиб ёпишар у одамга,
Бир хилда чангал солар зиқнага ва хотамга.

## КИТОБЧАМНИ КЎРГАНДА

Магазинда эмас, кўрдим сени шеърхон қўлида,
Сарғайибсан шукур, юракларга етмоқ йўлида.

## ВИЖДОН ЧЕГАРАСИ

Йўқ, ўлмайсан, чидар бўлсанг очликка ҳам хўрликка,
Сен тугайсан бирпас агар тоқат қилсанг кирликка.

## МУНДАРИЖА

### Қаламнинг бурчи

Чорак аср ёшим бор . . . . . . . . . . . . . . 4
Ильичга мурожаат . . . . . . . . . . . . 6
Наманган . . . . . . . . . . . . . . . . . . 10
Янгроқлигинг . . . . . . . . . . . . . . . 12
Кошкийди . . . . . . . . . . . . . . . . . 14
Мақол ҳақида . . . . . . . . . . . . . . 16
Майса . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 17
Туз ҳақида . . . . . . . . . . . . . . . . 19
Экскаватор таърифи . . . . . . . . . . . 19
Самиғ амаким . . . . . . . . . . . . . . 21
Шошиламиз . . . . . . . . . . . . . . . . 23
Календарь варағи . . . . . . . . . . . . 25
Ўзбек қомуси . . . . . . . . . . . . . . . 26

### Нефть ва лола
*(туркумдан)*

Муқаддима . . . . . . . . . . . . . . . . 30
Нефть ва лола . . . . . . . . . . . . . . 31
Ёш бир кончи . . . . . . . . . . . . . . 32
Кончи ва космонавт . . . . . . . . . . . 33
Шовиллайди . . . . . . . . . . . . . . . 34
Меҳр . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 35
Замбарак . . . . . . . . . . . . . . . . . 36
Тунда . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 37

## Россия девонидан


Хат ҳақида баллада . . . . . . . . . . . . . . 40
Сув санъати . . . . . . . . . . . . . . . . 41
Ясная Поляна . . . . . . . . . . . . . . . 42
Элчихона ёнида . . . . . . . . . . . . . . 43
Байроқ қасидаси . . . . . . . . . . . . . 45
Мис суворий . . . . . . . . . . . . . . . 46
Қаҳрамоннинг қиёфаси . . . . . . . . . . . 47
Петропавловск зиёратида . . . . . . . . . . 48
Шоҳ қўнғироқ . . . . . . . . . . . . . . . 49
Палов, олов, қизил гул . . . . . . . . . . 50
Светлана Сомова . . . . . . . . . . . . . 51
Оқ тунлар . . . . . . . . . . . . . . . . 53


## Устозлар


Халқлар бобосига . . . . . . . . . . . . . 56
Ишчи Емильянов . . . . . . . . . . . . . . 58
Гулчамбар . . . . . . . . . . . . . . . . 59
Нозим Ҳикмат . . . . . . . . . . . . . . . 65
Ҳамзанинг қалами . . . . . . . . . . . . . 67
Марсия . . . . . . . . . . . . . . . . . 68
Мўйқаламмас, найқалам . . . . . . . . . . 70
Ғайратийга . . . . . . . . . . . . . . . 72
Шоир (Қ. Ҳикмат хотирасига) . . . . . . . . 73


## Жигарпоралар


Суянчиқ . . . . . . . . . . . . . . . . 76
Туғруқхона деразаси ёнида . . . . . . . . . 77
Алла . . . . . . . . . . . . . . . . . . 78
Метрика . . . . . . . . . . . . . . . . . 80
Шеър дардида . . . . . . . . . . . . . . 81
Изтироб (дўстим Х. Салоҳ хотирасига) . . . . 83


## Манзаралар


Бедазор . . . . . . . . . . . . . . . . . 86
Чашма . . . . . . . . . . . . . . . . . . 87
Тонготар қасидаси . . . . . . . . . . . . 89
Оқ пахтамнинг шуъласи . . . . . . . . . . 92

## МУНДАРИЖА

### Қаламнинг бурчи

Чорак аср ёшим бор . . . . . . . . . . . . . . . 4
Ильичга мурожаат . . . . . . . . . . . . . 6
Наманган . . . . . . . . . . . . . . . . . . 10
Янгроқлигинг . . . . . . . . . . . . . . . 12
Кошкийди . . . . . . . . . . . . . . . . . 14
Мақол ҳақида . . . . . . . . . . . . . . . 16
Майса . . . . . . . . . . . . . . . . . . 17
Туз ҳақида . . . . . . . . . . . . . . . . 19
Экскаватор таърифи . . . . . . . . . . . . 19
Самиғ амаким . . . . . . . . . . . . . . . 21
Шошиламиз . . . . . . . . . . . . . . . . 23
Календарь варағи . . . . . . . . . . . . . 25
Ўзбек қомуси . . . . . . . . . . . . . . . 26

### Нефть ва лола
*(туркумдан)*

Муқаддима . . . . . . . . . . . . . . . . 30
Нефть ва лола . . . . . . . . . . . . . . 31
Ёш бир кончи . . . . . . . . . . . . . . 32
Кончи ва космонавт . . . . . . . . . . . 33
Шовиллайди . . . . . . . . . . . . . . . 34
Меҳр . . . . . . . . . . . . . . . . . . 35
Замбарак . . . . . . . . . . . . . . . . 36
Тунда . . . . . . . . . . . . . . . . . . 37

## Россия девонидан


Хат ҳақида баллада . . . . . . . . . . . . . . 40
Сув санъати . . . . . . . . . . . . . . . 41
Ясная Поляна . . . . . . . . . . . . . . . 42
Элчихона ёнида . . . . . . . . . . . . . . 43
Байроқ қасидаси . . . . . . . . . . . . . . 45
Мис суворий . . . . . . . . . . . . . . . 46
Қаҳрамоннинг қиёфаси . . . . . . . . . . . . 47
Петропавловск зиёратида . . . . . . . . . . . 48
Шоҳ қўнғироқ . . . . . . . . . . . . . . 49
Палов, олов, қизил гул . . . . . . . . . . . 50
Светлана Сомова . . . . . . . . . . . . . 51
Оқ тунлар . . . . . . . . . . . . . . . 53


## Устозлар


Халқлар бобосига . . . . . . . . . . . . . 56
Ишчи Емильянов . . . . . . . . . . . . . . 58
Гулчамбар . . . . . . . . . . . . . . . 59
Нозим Ҳикмат . . . . . . . . . . . . . . 65
Ҳамзанинг қалами . . . . . . . . . . . . . 67
Марсия . . . . . . . . . . . . . . . . 68
Мўйқаламмас, найқалам . . . . . . . . . . . 70
Ғайратийга . . . . . . . . . . . . . . . 72
Шоир (Қ. Ҳикмат хотирасига) . . . . . . . . . 73


## Жигарпоралар


Суянчиқ . . . . . . . . . . . . . . . . 76
Туғруқхона деразаси ёнида . . . . . . . . . . 77
Алла . . . . . . . . . . . . . . . . . 78
Метрика . . . . . . . . . . . . . . . . 80
Шеър дардида . . . . . . . . . . . . . . 81
Изтироб (дўстим Х. Салоҳ хотирасига) . . . . . 83


## Манзаралар


Бедазор . . . . . . . . . . . . . . . . 86
Чашма . . . . . . . . . . . . . . . . 87
Тонготар қасидаси . . . . . . . . . . . . 89
Оқ пахтамнинг шуъласи . . . . . . . . . . . 92

## Мунозара

Дерлар . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 94
Баравармас, дединг . . . . . . . . . . . . . . . 96
Ҳазил . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 98
Бегона . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 99
Аразлашиб қолса . . . . . . . . . . . . . . . . 101
Мен ўтқазмаган дарахтлар . . . . . . . . . . . 103
Кундузи ёнган чироқ . . . . . . . . . . . . . . 105
Қўшиқ ҳақида . . . . . . . . . . . . . . . . . 107
Гул тикани ва тикан гули . . . . . . . . . . . 108
Ҳақиқат . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 109

## Бармоқ вазнида ёзилган ғазаллар

Ҳурматингдан ортиқроқ . . . . . . . . . . . . . 112
Шоирсиз дейман . . . . . . . . . . . . . . . . 113
Зулайҳо бўлсанг . . . . . . . . . . . . . . . . 114
Муаллимим . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 115
Нозанин нозинг . . . . . . . . . . . . . . . . 116
Бахт китоби . . . . . . . . . . . . . . . . . . 117
Тоғ қизи . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 118
Қолмади . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 119
Хиёл-хиёт . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 120
Танишайлик . . . . . . . . . . . . . . . . . . 121
Билмас эдим ўргандим . . . . . . . . . . . . . 123
Май ғазали . . . . . . . . . . . . . . . . . . 124

## Муҳаббат мактублари

Илк севги . . . . . . . . . . . . . . . . . . 126
Ширмой . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 129
Узук . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 131
Ўн саккизга кирдим иккинчи марта . . . . . . . 132
Доғман . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 134
Атлас кий, атлас . . . . . . . . . . . . . . . 136
Наманганлик нозанин . . . . . . . . . . . . . . 138
Бу икки ошиқнинг . . . . . . . . . . . . . . . 140
Қўшним қизи . . . . . . . . . . . . . . . . . 141
Кор хат . . . . . . . . . . . . . . . . . . . . 143
Ўрак ва юрак . . . . . . . . . . . . . . . . . 145
Рангларнинг уруғи . . . . . . . . . . . . . . . 147
Энг қисқа шеърлар . . . . . . . . . . . . . . . 153

*На узбекском языке*

**Ю. ШАМАНСУРОВ**

**ЛИРИКА**

Редактор *М. Жалилов*
Рассом *О. Аҳмаджонов*
Расмлар редактори *Н. Холиқов*
Техн. редактор *Т. Смирнова*
Корректор *М. Қудратова*

Босмахонага берилди 16/I — 1973 йил. Босишга рухсат этилди 31/V-1973 йил. Формати 70×90¹/₃₂. Босма л. 5,25. Шартли босма л. 6,14. Нашр л. 4,96. Тиражи 20000. Р 13332. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 106—72.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитетининг Тошкент полиграфкомбинатида тайёрланган матрицадан 2-нчи босмахонасида № 1 қоғозга босилди. Янгийўл, Чехова кўчаси, 3. 1973 йил, заказ № 70 Баҳоси 59 т.

Ш 77

Шомансур Ю.

Лирика. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти,

1973. 168 б.

Юсуф Шомансурнинг ушбу китобига аввалги тў ламларга кирган ва эълон қилинмаган энг яхши шеърл ри киритилган. Жумладан «Қаламнинг бурчи», «Неф ва лола», «Россия девонидан», «Севги мактублар каби туркум ва бўлимларга ажратилган шеърларда Ўзб кистон ва Россия, дўстлик ва қардошлик, севги садоқат мадҳ этилади.

Шомансур Ю. Лирика. Ўз

№ 269—73
Навоий номли ЎзССР
давлат кутубхонаси.

$\frac{7-4-3-127}{Ш-М-352-06-73}$ 47—73